Ўзбек халқида мактаб-маориф тизимининг шаклланиши, амалиёти, анъаналари ҳамда уларнинг маънавий негизлари тарихи билан танишиб чиқиш, миллий анъанавий таълим ҳақидаги объектив ҳақиқатни тиклашга имкон беради. Тарихий манбаларнинг гувоҳлигидан худоса қилиб шунини айтиш мумкинки, собиқ совет маориф тизимига, яъни Х асрдан XX асрнинг биринчи чорагига қадар ўзбек анъанавий мактаб-маориф тизими таркибига оммавий бошланғич таълим масканлари ҳисобланган мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юрлари бўлган мадрасалар, шунингдек, махсус таълим, хусусий таълим ҳамда ўз-ўзини ўқитиш каби турлар кирган. Ун асрдан ортқ тарихий ўтмиш давомида юртимизда махсус таълимнинг тилшунослик, ҳуқуқшунослик, сўфийлик, фалсафа, математика, фалакиёт, тарих, адабиёт ва адабиёт назарияси мактаблари каби кўринишлари пайдо бўлди ва улар шу соҳаларда жаҳонга етук алломаларни етказиб берди.

¹ Каримов И. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзланган нутқи. 1997 йил 29 август//Баркамол авлод орзуси. Тошкент. 1999. 67-бет. Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 226-модда. 1997. 9-сон. 10—19-бетлар; Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи Сессияси. 1997 йил 29—30 август//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 295-модда 1997. 11-сон. 3—30-бетлар. Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Президентининг Фармони//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 275-модда. 1997. 9-сон. 214—215-бетлар.

² Каримов И. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзланган нутқи. 1997 йил 29 август//Баркамол авлод орзуси. Тошкент. 1999. 67-бет.

³ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси. 1997 йил 29—30 август//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 295-модда. 1997. 11-сон. 8—13-бетлар.

Анъанавий таълим тизимида кенг халқ оммаси орасидан кўп сонли маҳаллий зиёлилар етказиб беришда оммавий ўрта махсус ва олий ўқув юртлари сифатида мадрасаларнинг роли бекиёс. Атоқли америкалик тарихчи олим Э. Ольвард ўзининг «The Changing intellectual and literary Community//Central Asia 120 years of Russian Rule» асарида: (1900 йилга қадар туғилган) деярли ҳар бир ўртаосиёлик шахс ҳозирда етарли баҳо берилмаётган, аслида қизиқиш доиралари кенг ва юксак қобилиятга эга бўлган заковатли йўлбошчиларни чор Россияси мустамлакачилигидан аввалгидай мунтазам рағбатлантириб турган мусулмон мадрасаларида таълим олган⁴, — деб бежиз айтмаган. Бунинг сабаби, мустамлакачилар Ўрта Осиёни истило қилгандан сўнг бу ерда асосан ўзларининг ва хизматига ёлланган бир ҳовуч маҳаллий шахсларнинг фарзандларига таълим берувчи бир неча рус, рус-тузем мактаблари ҳамда ўқитувчилар ўқув юртидан ташқари, кенг халқ оммасининг илм олиши учун деярли ҳеч қандай ўқув масканлари очмадилар. Аммо, айни замонда маҳаллий аҳолининг қаҳр-ғазабидан қўрқиб, миллий анъанавий маърифат ўчоқлари — бошланғич мактаблар ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари — мадрасаларга нисбатан дастлаб «тан олмаслик», кейинчалик «руслаштириш» сиёсатини юритиб, қисман ҳақ-ҳуқуқларини чеклаган бўлса-да, умуман бу ўқув юртларини сақлаб қолганлар. Маҳаллий маърифат ўчоқлари, айниқса, маҳаллий зиёлилар тарбиялаб етиштирувчи мадрасалар кейинчалик чор мустамлакачилигига қарши курашнинг асосий ўчоқлари вазифасини бажардилар. Тарихий манбаларда келтирилишича, XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг биринчи чорагида Хива хонлигида 132 та⁵, Бухоро амирлигида 336 та⁶, Туркистон ўлкасида 348 та атрофида⁷ мадраса бўлган. Бу мадрасалар ўзига хос шарқона услубда таълим бериб, Туркистон ўлкасини маърифатли зиёлилар билан тарбиялаган. Мадраса толибларининг билим доираси қай даражада кенг қамровли ва илмий асосланганлигини англаш учун уларнинг ўқув дастури билан танишиб чиқиш айниқса муҳим.

Мадрасаларнинг ўқув дастурини таҳлил қилишдан аввал шуни қайд этиб ўтиш керакки, мадрасаларга мутлақо саводсиз кишилар эмас, бошланғич хат-саводга эга бўлган илм толиблари қабул қилинган. Мадраса мударриса, яъни профессор, мадрасага ўқиш учун келган талабаларнинг ўқиш ва ёзишга бўлган саводхонлигини сынаб кўрган⁸. Бу ҳолат мадрасага ўқиш учун келувчи талабалар, албатта бош-

⁴ Allworth E. The Changing intellectual and literary Community//Central Asia 120 years of Russian Rule/Edited by E. Allworth. Duke University Press Durham and London, 1989. P. 349.

⁵ Наврузов С. Социально-экономическая и культурная жизнь Хивинского ханства в исторической, историко-географической литературе XIX — начала XX в.: Дис. канд. истор. наук. Ташкент, 1991. С. 174.

⁶ Шарифхўжаев М. Ўрта Осиёда педагогик фикр ва таълимнинг ривожланиши тарихи//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1991. 8-сон. 23-бет.

⁷ УЗР МДА. I фонд. 18-руйхат, 29-иш, 565—566-варақлар.

⁸ Наливкин В. Что дает Средне-Азиатская мусульманская школа в образовательном и воспитательном отношениях?//Туркестанский литературный сборник в пользу прокаженных. СПб.: Б. и., 1900. С. 240.

ланғич саводга эга бўлганлигини кўрсатади. Қолаверса, ўз даврининг ҳукмрон ҳуқуқи бўлган ислом ҳуқуқига, шу жумладан, унинг асосий манбаи бўлган Қуръони Қарим оятларига кўра (Бақара сураси, 187—188-оятлар)⁹, илми зиёлининг унга илм олиш учун мурожаат қилган ҳар қандай толибни ўқитиши фарз ҳисобланганлиги эса мударрисларнинг талабаларни ўқитишдан асоссиз бўйин товлашига ҳам йўл қўймаган. Бу жиҳатдан мадрасаларга ўқишга қабул қилишда талабаларнинг ҳуқуқий томондан тенглиги таъминланган.

Мадрасаларнинг ўқув курси, одатда, «Аввали илм»¹⁰ деб номланган, форс тилида савол-жавоб тарзида ёзилган ўқув қўлланмасини ўзлаштиришдан бошланган. Унда яхшилик ва ёмонликнинг сифатлари, илм йўлида учрайдиган қийинчиликлар ва уларни енгил усуллари баён этилган, уларга оид ҳадислардан мисоллар келтирилган. Бу 4—5 бетдан иборат катехизис бир неча кун давомида талабаларга ёдлатилган¹¹.

Ўрта Осиёда мадрасалар пайдо бўлгандан XX асрнинг биринчи чорагига қадар барча мусулмон халқлари учун араб тили халқаро илмий тил ҳисобланиб келингани боис, мадрасаларнинг ўқув дастури аввало ўздан кейинги фанларни ўзлаштириш учун пойдевор вазифасини ўтаган ушбу тилни мукамал ўзлаштириб олишга қаратилган. Бунда талабалар араб тили грамматикасининг бўлимлари: морфология, яъни «сарф» ва синтаксис — «нахв» ни ўзлаштирганлар¹².

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мадраса толиблари араб тилини ўзлаштиришда, асосан, XII—XIII асрларда яратилган дарсликлардан фойдаланганлар. Ундан кейинги ёзилган қўлланмалар асосий дарсликларга шарҳ вазифасини ўтаган. Аммо араб тилини ўрганишдаги бу хусусият Ўрта Осиё мадрасаларида тил ўргатишдаги қолоқликни кўрсатмайди. Сабаби араб тилшунослиги XII аср охири XIII аср бошларида мустақил фан сифатида шаклланиб, унинг асослари яратиб бўлинган эди¹³. Яна шуни мамнуний билан эътироф этиш керак-ки, бу халқаро илмий тил асосларини яратишда ўртаосиёлик тилшунос олимларнинг ҳиссаси беқиёс бўлган ва нафақат юртимиздаги мадрасаларда, балки бутун мусулмон мамлакатларидаги мадрасаларда араб тилини ўрганишда ўзбек халқининг аجدодлари яратган қўлланмалардан фойдаланилган. Улар қаторида араб лексикографиясида «Кафия мактаби»ни яратган Абу Наср Исмоил ал-Жаухари ал-Фаробий (1005—1010 йиллар атрофида Нишопурда вафот этган)¹⁴,

⁹ Мусҳаф ул-Шариф. М., 1991. С. 27.

¹⁰ Собрание восточных рукописей АН Уз. (Каталог). В 11 т. // Под ред. А. А. Семенова. Т. IV. Ташкент: Изд-во АН Уз, 1957. С. 398.

¹¹ Керенский О. М. Медресе Туркестанского края. СПб.: Б. и., 1892. С. 14.

¹² Исмоилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX — начале XX века. Автореф. дис. ... канд. истор. наук. Ташкент, 1981. С. 15.

¹³ Оруджева Л. М. Произведение аз-Занджани «Мабадиу фит-тасриф». Бку. 1977. С. 27.

¹⁴ Абдуллоҳ Дарвеш. Ал-маажим ал-арабияти. Қоҳира, 1935—1937. 93—94-бетлар; Журжий Зайдон. Тарих ул-адаб ул-лугати ал-арабияти. 1—4. қ. Байрут, 1968. 31-бет. Jacut's geographisches Wörterbuch, aus den Handschriften su Berlin, St. Petersburg, Paris und Oxford.../hrag von F. Wustenfeld. Leipzig, 1867. Т. 11. Р. 95.

араб грамматикасига оид 50 дан ортиқ асар ёзган хоразмлик қомусий олим Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Замаҳшарий (1075—1143 й.)¹⁵, Изз ад-Дин Абул-Фадаил Абдул-Ваҳҳоб ибн Иброҳим ибн Абул-Маъали ал-Хазраджи аз-Занжонийнинг машҳур «Мабадиу фит-тасриф» номли араб морфологиясига оид фундаментал рисоласига шарҳ ёзган Амир Темур салтанатининг етук қомусий олими Маъсуд ибн Умар ал-Қади ат-Тафтазоний (1322—1390 йй.)¹⁶ Жамолиддин Абу Амир Усмон ибн Умар ибн Абу Бакр ал-Ҳожибнинг «Ал-Қафия» номли араб грамматикасига оид рисоласига «Фавоидуз-Зиёия» номли шарҳ ёзган Алишер Навоийнинг дўсти Нуриддин Абдураҳмон ибн Аҳмад ал-Жомий ан-Нақшбандий (1414—1492 йй.)¹⁷ каби олимларнинг кўп сонли асарларини санаб ўтиш мумкин.

Хусусан, Ўрта Осиё мадрасаларида талабаларга араб тилини ўқитишда форс-тожик тилида ёзилган «Бидон» китобидан фойдаланилган. Унинг таркибига Жамолиддин Абу Амир Усмон ибн Умар ибн Абу Бакр ал-Ҳожибнинг «Ал-Қафия» ёки «Синтаксис фанига кифоя муқаддима» китоби, Изз ад-Дин Абул-Фадаил Абдул-Ваҳҳоб ибн Иброҳим ибн Абул-Маъали ал-Хазраджи аз-Занжонийнинг морфологияга оид «Аз-Занжоний» ёки «Морфологиянинг асосий тамойиллари» китоби, шунингдек, ал-Муъзийнинг «Феълларнинг тусланиши ҳақида» каби дарслик қўлланмалари кирган. Бундан ташқари аз-Замаҳшарийнинг «Грамматика ҳақида муфасссал рисола»¹⁸, «Ал-Қашшоф»¹⁹ асарлари, «Ал-Қафия» китобига Нуриддин Абдураҳмон ибн Аҳмад ал-Жомий ан-Нақшбандийнинг «Фавоидуз-Зиёия» деб номланган шарҳи, «Аз-Занжоний» китобига Маъсуд ибн Умар ал-Қади ат-Тафтазоний ёзган шарҳи, ал-Муъзий рисоласига Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ёзган шарҳи каби²⁰ шарҳий асарлар ҳам талабаларнинг араб тилини батафсил ўрганишида кўмак берган.

Мадрасаларда араб тилини ўқитишга кўп вақт ажратилган. Бунинг сабаби араб тилидаги мураккаблик ва ўзига хосликлар билан боғлиқ бўлган. Жаҳоннинг бошқа тилларидан фарқли равишда, араб тилида матнни тўғри ўқиш учун унинг грамматикасини тўлиқ ёд олиш лозим. Бусиз матнни ўқиб бўлмайди. Чунки араб ёзувида фақат ундош товушлар ифода этилиб, унлилар ифодаланмайди. Унли ҳарфларнинг устига ва остига зеру забарлар қўйилади. Араб тилида ёзил-

¹⁵ Ибн Халкон. Вафиёт ул-айюн. Булоқ. 4-қ. 1299 (ҳижрий). 107, 113, 150, 151-бетлар; Ибн ан-Надим. Ал-фихрист. Байрут-Ливан. 107-бет; Ҳожи Халиф ат-Қашшоф ул-зунон ан-асосал китобати вал-фунун. 1—7-қ. Лондон, 1835—1853.

¹⁶ Собрание восточных рукописей АН Уз. Т. III. Ташкент: Изд-во АН Уз, 1955. (Инв. № 411).

¹⁷ Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. Спб. 1843. С. 219; Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе. Ташкент: Учпедгиз. 1966. С. 30.

¹⁸ Ибн ан-Надим. Ал-фихрист. Байрут-Ливан. 107-бет.

¹⁹ Звегинцев В. А. История арабского языкознания. М.: Изд-во МГУ, 1958. С. 65.

²⁰ Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе. С. 30.

ган Қуръон матнидан бошқа матилар ўша ҳаракатларсиз бўлади. Ҳаракатларни қўшиб ўқиш учун китобхон бутун араб тили грамматикасини ёдида сақлаши керак. Шу орқалигина матн тўғри ўқиб кетилади. Шунинг учун грамматикани ёдлаш зарурлиги ҳисобга олиниб, у одатда шеърӣ йўл билан баён қилинган²¹. Мадраса таълимининг ўқув дастури тил ўрганиш бўйича ана шу ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилган. Унга мувофиқ, аввал араб тили морфологияси, кейин синтаксиси ўқитилган.

Араб тилини ўрганиш жараёнида ҳам, ундан кейинги фанларни ўзлаштириш давомида ҳам талабалар бир қатор ўқув луғатларидан фойдаланганлар. Араб тилида муфассал луғатлар яратишда ҳам юртдошларимиз етакчи ўринларни эгаллаганлигини фахр билан айтиш мумкин. Чунончи, талабаларнинг ўқиш даврида Абу Наср Исмоил ал-Жаухари ал-Фаробий²², Муҳаммад Жалол Сулаймон Қўхистоний, Муҳаммад ибн Лад ибн Абдул-Ваҳҳоб каби²³ луғатшунос олимлар тузган илмий ва оммавий луғатлари кенг қўлланилган.

Ўрта Осиё мадрасаларида ана шундай асосларда араб тили ўқитилганлиги оқибатида қандай натижаларга эришилганлиги ҳақида П. В. Знаменский ўтган асрнинг охирларида қуйидаги сўзларни айтган:

«Ўрта Осиё муллалари ноҳақ ва асоссиз равишда нодон ҳамда араб тилини яхши билмайдилар, деб ҳақорат қилинадилар. Сабаби улар орасида сўзсиз араб тили ва мусулмон дунёси фанларининг етук билимдонлари бор. Мен буни қуйидаги далилларга асосланиб айтаяпман. Марҳум академик Френ XIX асрнинг биринчи ўн йиллигида Қозон университетига араб тили ўқитувчиси бўлиб ишга жойлашганда, Қозон муллалари орасида араб тилининг кучли билимдонларини учратди. Бу ҳақда матбуотда эълон қилинган эди. Қозон муллалари эса Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида таълим олганлар»²⁴.

Араб тили грамматикаси ўзлаштириб олингач, барча мадрасаларда ўқув курси икки бўлимга ажратилган: умумтаълим курси бўлган мушқилот ҳамда фикҳ курси ҳисобланмиш масала²⁵. Бу бўлимлардан қайси бирини ўқиб тугатиш талабаларнинг хоҳиш-истаги билан аниқланган. Улар ўз истақларига қараб ҳар икки бўлимни ёки алоҳида мушқилот ёхуд масала курсларидан бирини ўқиб тамомлашлари мумкин бўлган.

²¹ Иброҳимов Н. Тошкент шарқшунослик марказига айланди//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил 23 авг.

²² Зарипезаде Г. Г. Сравнение «Сихах ал-арабиййа» и «Сихах ал-фурсе»// Сб. «Сематские языки». Вып. 2. Ч. 2. М.: Наука, 1965. С. 558.

²³ Солижонова Г. Ф. Туркистонда ўқитиш-матрифатчилик ўчоқлари, уларнинг ижтимоий аҳамияти (XIX аср охири XX аср бошлари)//Тарих фанлари номзоди... дис.-я. Тошкент, 1997. 129-бет.

²⁴ Знаменский П. В. Участие Н. И. Ильминского в деле инородческого образования в Туркестанском крае. Казань, 1900. С. 81.

²⁵ Наливкин В. Что дает Средне-Азиатская мусульманская школа в образовательном и воспитательном отношениях? С. 240; Керенский О. М. Мадаресе Туркестанского края. С. 15.

Утган аср ўрталарида Бухоро амирлиги мадрасалари фаолияти билан танишиб чиққан Н. Ханиковнинг гувоҳлик беришича, мадрасанинг тўлиқ курсини ўқиб тугатиш учун толиб тахминан 137 та китобни ўқиб чиқиши талаб этилган ва булардан салмоқли ҳиссаси фалсафа ва мантиқ фанларига тўғри келган²⁶.

Умумтаълим курси бўйича таҳсил олишни танлаган талабалар асосан аш-шамсия, хошия, ақонд, тазҳиб, ҳикмат-ул-айн, тавзиҳ, мушкоти шариф, тафсир²⁷ каби фанларни ўзлаштиришлари лозим бўлган. Шуниси диққатга сазоворки, бу фанларнинг барчаси ўз юртимиздан етишиб чиққан файласуф алломалар ёзган дарслик қўлланмалар асосида ўқитилган. Жумладан, аш-шамсия, яъни мантиқ фани асосан Насириддин ат-Тусийнинг Дабиран таҳаллуси билан машхур бўлган шогирди Нажмиддин Али ибн Умар ал-Қазвиний ал-Котиби ан-Насафий томонидан ёзилган «Ар-рисола аш-шамсия фил қавонд ал-мантиқ» асари таҳаллуси «Муаллими соний» бўлган Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон ал-Фаробийнинг «Китоб ал-Жамъа бин рои ал-ҳакимин Афлотун алалҳи ва Аристотилис», Муҳибуллоҳ ибн Абдушуккур ал-Бухорийнинг «Сулла», Асириддин ибн Муфаддал ибн Умар Абхорийнинг «Исоғужа ал-мантиқ» каби²⁸ қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда ўтилган. Ушбу фалсафий дарсликларга қўллаб шарҳлар ёзилган. Масалан, В. Ольварднинг таъкидлашича, «Аш-шамсия» асарининг ўзига 25 дан ортиқ шарҳ ва изоҳлар ёзилган²⁹.

1130 йиллик юбилей кенг нишонланаётган Муҳаммад ибн Маҳмуд Абу Мансур ал-Ансорий ал-Ханафий ал-Мутакаллим ал-Мотуридий ас-Самарқандий³⁰ асос солган калом таълимоти исломнинг илоҳиёт фалсафаси сифатида нафақат Ўрта Осиё, балки бутун мусулмон олами мадрасаларида муфассал ўқитилган. Ал-Мотуридий ас-Самарқандий ҳаётлигидаёқ «мотуридийа ақонд мазҳаби» ислом ақондлари қорахонийлар томонидан «Аҳли ас-сунна ва жамоа эътиқоди» деб эълон қилинган (1040 йил, Бухоро). Унинг китоби ва қарашлари мадрасаю мактабларнинг бирламчи дарслиги бўлган, уларга қўллаб шарҳлар ёзилган, турк, форс ва бошқа тилларга қайта-қайта таржима қилинган³¹. Олимнинг 15 дан ортиқ илмий асарлари мавжуд бўлиб, улардан «Китоб ат-Тавҳид» ва «Китоб таъвилот аҳл ас-сунна» асарлари мадраса талабалари учун калом илмидан асосий қўлланма ҳисобланган³².

²⁶ Хаников Н. Описание Бухарского ханства. С. 214—222.

²⁷ УэР МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 333 а-иш, 59-варақ.

²⁸ Остроумов Н. П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения//Туркестанские ведомости. 1914. С. 193.

²⁹ Ahlwardt W. Verzeichniss der Arabischen Handschriften. B. IV. Berlin. 1892. S. 498—509.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори. 1999 йил, 3 декабр.

³¹ Зоҳидий А. Мотуридий ва калом таълимоти//Фан ва турмуш. 1997. 7-сон, 12—13-беглар; Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг мероси. Тошкент, 2000; Уватов У. Имом Мотуридий меросининг моҳияти, Тошкент, 2000.

³² Абу Мансур ал-Мотуридий. Китоб ат-Тавҳид/Ношир Фатхулло Хулайф. Байрут, 1970; Али Абдулфаттоҳ ал-Мағрибий. Имом аҳл ас-суннат вал-жамоат Абу Мансур ал-Мотуридий ва ароуҳу-л-каломийа. Қоҳира, 1985.

Кейинчалик Урта Осиё мадрасаларида «Ақонди Насафий», «Ақонди мулла Жалол», «Фиқҳи Акбар имоми Аъзам Ақонди», «Имоми Таҳовий Ақонди», «Қасидаи Ломия» ёки «Назмий Ақондлар» каби³³ ақондлар ҳам дарслик сифатида ўқитилган.

Юқориди номи таъкидлаб ўтилган Амир Темур даврининг машҳур қомусий олими Маъсуд ибн Умар ал-Қади ат-Тафтазоний ёзган «Тавҳиб ал-мантиқ вал-калом» дарслиги мадрасаларда диалектикадан ўқитиладиган асосий қўлланма ҳисобланган. У араб тилли олимлар томонидан 28 марта шарҳланган³⁴ ва албатта, талабалар бу фани ўзлаштиришда ушбу шарҳий рисоладан кенг фойдаланганлар.

«Аш-шамсия» дарслигининг муаллифи Нажмиддин Али ибн Умар ал-Қазвиний ал-Китоб ан-Насафий томонидан ёзилган «Ҳикмат ул-айн» рисоласи ҳам мадрасаларда метафизика ва физика фанларидан дарслик сифатида ўқитилган. Ан-Насафий унинг кириш қисмида бу асар ўзининг аввалги «Аш-шамсия» асарига илова эканлигини айтади. Унинг метафизика қисмида Фаробий, Ибн Сино, Бахманёр ва улар мактаблари олимларининг ғоялари баён этилган бўлса, физика қисмида эса органик ва неорганик табиат дунёсида кузатилган ҳодисалар изоҳлаб берилган³⁵.

Тавзиҳ — ислом ҳуқуқининг манбалари бўлмиш Қуръон, ҳадис ижмо ва қиёс ҳақида умумий маълумотлар берувчи фан, аниқроғи олий мантиқ фани бўлиб ҳисобланган. У энг аввало ислом ҳуқуқининг бош манбаси бўлган Қуръонни ўргатган³⁶.

Мушкулот бўлимининг ўқув дастурига киритилган кейинги фан Мушкоти шариф фани бўлиб, у орқали Шарқ мусулмон мамлакатларида ахлоқий тарбия олиб борилган. Бу фан пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг ҳаётлик чоғларида айтган сўзлари, қилган ишлари, йўл-йўриқлари ва кўрсатмалари, панд-ўғитлари асосида таркиб топган. Ҳадис илми пойдеворини яратган буюк муҳаддис аждодиямиз имом Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (809—869) га имом Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн ад-Даҳҳок ас-Суламий ат-Термизий ал-Бугий (824—892)ларнинг ишончли илмий ҳадислари³⁷ Урта Осиё мадрасаларидагина эмас, балки бутун мусулмон мамлакатлари олий ўқув юртларида ушбу фандан ўқув қўлланмаси сифатида ўқитилган ва у ҳозирга қадар ўз салоҳиятини сақлаб келмоқда. Жумладан, имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жамъа ас-Саҳийҳ» ва имом ат-Термизийнинг «Шамойл ан-Набий» асари ана шундай қўлланмалардан бўлган.

³³ Мажмуатул мутун. Тошкент. Портцев литографияси. 1910; Имоми Таҳовий Ақонд. Тошкент. Моваровнаҳр, 1992. 3-бет.

³⁴ Ahlwardt W. Verzeichniss der Arabischen... S. 519.

³⁵ Қазибердиев А. Л. Средневековые арабоязычные логико-философские трактаты в рукописном фонде САДУМА/Общественные науки в Узбекистане. 1990 № 11. С. 51.

³⁶ Уватов У. Донолардан сабоқлар. Тошкент. 1994. 6-бет.

³⁷ Ўзбек педагогикаси антологияси. Икки жилдлик. 1-жилд. Тошкент. 1995. 84—92-бетлар.

Умумтаълим курси Қуръон тафсирини талқин қилиш билан якунланган³⁸. Бу тафсир Байзавийнинг «Тафсири қози Байзавий», аз-Замаъшарийнинг «Ал-Қашшоф» каби китоблари асосида ўқитилган³⁹.

Мадрасаларнинг юридик, яъни фикҳ курси ўқув дастури мушкилот курсига нисбатан соддароқ бўлиб, асосан, ислом ҳуқуқини ўқитишга қаратилган. Бу бўлимда ўқиш ҳам асосан, ўзбек халқининг ҳуқуқшунос олимлари томонидан яратилган дарслик ва қўлланмаларни ўзлаштириш орқали олиб борилган. Ваҳолонки, барча мусулмон дунёси таъ олган энг баобрў фикҳшунос, ҳадисшунос олимлар ўрта-осиёлик бўлиб, улар яратган ҳуқуқшуносликка оид асарлар мусулмон Шарқининг деярли ҳамма ўқув юртларида ўқитилган.

Ўрта Осиё мадрасаларининг фикҳ курсини ўқитишда таянилган асосий манба — бу йил юртимизда 910 йиллик юбилейи кенг нишонланаётган Бурҳониддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил ал-Фарғоний ал-Марғиновий ар-Риштонийнинг 1178 йили Самарқандда ёзган «Ҳидоя фил фуруъ ал-фикҳ» дарслиги бўлган⁴⁰. «Ҳидоя» ўзининг юридик жиҳатдан аниқ таърифланганлиги, ислом ҳуқуқшунослигининг асли деб тан олинган манбаларига асослаб ёзилганлиги боис, мусулмон Шарқда, қонунишуносликнинг ҳанафийлик мазҳаби ҳукмрон ҳисобланган барча давлатларда машҳур бўлган, мадрасаларда фундаментал ўқув қўлланмаси сифатида ўрганилган⁴¹.

«Ҳидоя» қисқа, аниқ, аммо тушуниш учун анча мураккаб бўлган араб юридик услубида ёзилганлиги боис⁴², уни ўзлаштиришни енгиллаштириш мақсадида унга бир қатор шарҳлар ёзилган ва талабаларга дарслик сифатида ўқитилган. Бу асарга ёзилган шарҳларнинг тушуниш учун жуда қўлай ва зиёли омма орасида катта ҳурмат топганларининг муаллифлари ҳам ўзбек халқининг ҳуқуқшунос олимлари эканлиги, Бурҳониддин ал-Марғиновий, имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий каби етук ҳуқуқшунос олимлар фавқуллодда етишиб чиққан алломалар эмас, балки жаҳон фаълари тизимининг барча муҳим соҳалари каби ҳуқуқшунослик фанига бўлган иқтидор ҳам ўзбек халқида чуқур илдиз ва мустаҳкам заминга эга бўлганлигидан далолат беради. «Ҳидоя»га ёзилган шарҳлар орасида, айниқса, мусулмон оламида «Тож аш-шариа» («Шариатнинг тожи») таҳаллуси билан машҳур бўлган бобокалонимиз Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубийнинг «Викоя ар-ривоя асосал ал-Ҳидоя» асари⁴³, шунингдек, унинг набираси, «Садр аш-шарна ас-соний» ёки «ал-Асгар» («Иккинчи» ёки «Шариатнинг кичик етакчиси») таҳаллуси билан танилган бухоролик қонушунос олим Убайдуллоҳ ибн Маъсуд ал-Маҳбубий ёзган «Ал-наҳоят

³⁸ ЎзР МДА. 1-фонд. 12-рўйхат. 1-иш. 88—89-барақлар.

³⁹ ЎзР МДА. 47-фонд. 1-рўйхат. 333-а-иш. 59-барақ.

⁴⁰ Қаримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Ўқув қўлланма 1-к. Тошкент. 1997. 271—273-бетлар. Қориев О. А. Ислом ҳуқуқшунослиги ва Бурҳониддин ал-Марғиновий // Ҳаёт ва қону. 1994. 2-сон. 53—56-бетлар.

⁴¹ Ҳидоя: Комментарий мусульманского права. В 4 т./Пер. с англ. Под ред. Н. И. Гродекова. Ташкент: Типо-литография С. И. Ляхтина, 1893; Т. I. С. 442; Т. II. С. 462; Т. III. С. 423; Т. IV. С. 319.

⁴² Ҳидоя: Комментарий мусульманского права. Т. I. С. 5.

⁴³ Собрание восточных рукописей АН Уз. Т. IV. С. 230.

мухтасар ал-виқоя»⁴⁴ каби дарсликлари мадраса талабалари томонидан яхши қабул қилинган ва махсус курс сифатида ўқитилган.

Юқоридаги фикҳий дарсликлардан ташқари, Ўрта Осиё мадрасаларида зарурий дарслик сифатида «Фикҳи Кайдоний» дарслиги⁴⁵ ҳам ўқув дастурига киритилиб, унинг муаллифи Абдуллоҳ ан-Насафий ал-Фозил ал-Кайдоний бўлган «Матлаб ас-солиҳ» китоби⁴⁶ асосида ўқитилган. Амир Темур (1336—1405 й.) ҳуқронлиги давридан бошлаб эса унинг тузуқлари мадрасаларда давлат ҳуқуқини ўқитишда бир неча авлод учун дастуруламал вазифасини ўтаган⁴⁷.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фикҳ курсида ўқиган толиблар мерос ҳуқуқи — фаронизни ўрганиш билан боғлиқ равишда албатта математика фанини ўқиганлар. Бу фан ҳақида пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (с. а. в.): «Фарониз (мерос ҳуқуқи)ни ўрганишлар, унда инсон билимларининг ярми бор», — деб айтганлар⁴⁸.

Ўзбек мактаб-маориф тизими анъаналарига кўра, фаронизни ўқитишда ҳам биринчи навбатда ўз математикаларимиз бу соҳада эришган илмий меросга таянилган. Жумладан, математикани ўқитишда ўртаосиёлик математик олимларидан ал-Хоразмий, ал-Хутталиий, ан-Насафий, ат-Тусий, ан-Нишопурий, ас-Сиджавондий, ал-Қоший, ал-Хубубий, ал-Омили, Қозизода Румий каби⁴⁹ етук алломаларнинг асарларидан фойдаланганлар. Талабалар фарониз бўйича олинган билимларини амалиётда ерларни ўлчаш, уни ворислар ўртасида тақсимлаш, ер майдонларини олиш-сотиш, шунингдек, каналлар қазнишда қўлланганлар⁵⁰.

Ўрта асрларда Ўрта Осиё мадрасаларида биз юқорида тўхталиб ўтган хорижий тилларни ўқитиш, фалсафа, ҳуқуқшунослик, математика фанлардан ташқари, шунингдек, фалакиёт, хандаса, табобат, жуғрофия, тарих, адабиёт, адабиёт назарияси, ахлоқ, мусиқа, суҳандонлик (риторика) каби бир қатор фанлар ҳам ўқитилган ва анъанага кўра, бу фанлар асосларини талабаларга етказишда пойдевор вазифасини ўз аждодларимиз яратган асарлар ўтаган. Жумладан, фалакиёт фанини ўқитишда Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад ибн Муҳаммад Сағоний Устурлобий, Мирзо Улугбек, Қозизода

⁴⁴ Мухтасар: Шарият қонунарига қисқача шарҳлар. Тошкент, 1991.

⁴⁵ Фикҳи Кайдоний. Тошкент, 1910.

⁴⁶ Собрание восточных рукописей АН Уз. Т. IV. С. 287.

⁴⁷ Темур тузуқлари//Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов тарж. Тошкент, 1991. 144-бет.

⁴⁸ Наливкин В. Очерк благотворительности у оседлых туземцев Туркестанского края/Сборник материалов по мусульманству. Ташкент, 1900. С. 144.

⁴⁹ The Algebra of Mohammed ben Musa/Translated by F. Rosen. London, 1831. P. 2—3; Ғуломов Я. Ғ. Хоразмийнинг сугорилиш тарихи. Қазимги замоналардан ҳозиргача. Тошкент, 1959. 10-бет; Аҳмедов С. А. Ўрта Осиёда математика ўқитиш тарихидан. Тошкент, 1977. 80-бет; Матвиевская Г. П., Розенфельд Б. А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII—XVII вв.). М.: Наука, 1983. С. 17; Матвиевская Г. П. Учение о числе на средневековом Востоке. Ташкент: Фан, 1967. С. 108.

⁵⁰ The Algebra of Mohammed ben Musa/Translated by Rosen. London, 1831. P. 2—3; Нормуродов Н. Ворислар нималарни билишган ёхуд мерос тақсимлашнинг математик назарияси ва амалиёти//Маърифат, 1997.

Румий, Гиёсиддин Жамшид, Али Қушчи каби; табобат фанидан сабоқ беришда Абу Али ибн Сино, Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Харавий, Муҳаммад Акбар, Султон Али, ал-Қарукий ал-Хазораспий каби; жуғрофия, тарих фанларини ўқитишда Абу Абдуллоҳ ал-Жайҳоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд Кошғарий, Носир Хисрав, Гулбаданбегим, Мирхонд, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий, Шарофиддин Али Яздий, Мирзо Улугбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби; адабиёт ва адабиёт назарияси фанларини ўргатишда Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Абдуқодир Бедил, Бобораҳим Машраб, Умар Ҳайём каби қатор машҳур алломаларнинг асарларидан фойдаланилган⁵¹.

Мадрасаларда араб тили, фалсафа, ҳуқуқшунослик, фариш каби умумтаълим фанларидан ташқари у ёки бу фanning ўқитилиши мадрасаларда шу фан бўйича мутахассис профессорларнинг мавжудлиги, уларнинг тингловчиларни ўз фанга қизиқтира олиш қобилияти, талабаларнинг иқтидор ва интилишлари, айрим фан вакиллариининг жамиятдаги зиёли омма ва маърифатпарвар ҳукмдорлар томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда рағбатлантирилиши каби омилларга боғлиқ бўлган. Жумладан, сомоний, қорахоний ҳукмдорлар сулоласи давлат тепасида турган замонларда тилшунослик, ҳуқуқшунослик, фалсафа, калом илми, тарих, жуғрофия ғазнавийлар, хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида математика, геометрия, фалакиёт, жуғрофия, табобат, тарих; Амир Темур салтанати йилларида ўша даврда мавжуд фанларнинг барчаси, айниқса, ҳуқуқшунослик; Мирзо Улугбек ҳукмронлиги йилларида фалакиёт, математика, тарих; Алишер Навоий вазиралиги замонида тилшунослик, адабиёт ва адабиёт назарияси, табобат; Урта Осиё хонликларга бўлинган даврларда адабиёт ва тарих фанлари каби фанларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратилган ва талабалар орасидан шу фанлар бўйича жаҳонга машҳур олимлар етишиб чиққан.

Аmmo, сўнгги ўрта асрларда мадрасалар ўқув курси, асосан, инжимоий-гуманитар фанлар — араб тили, илми фикҳ, илми калом, фалсафа, тарих ва адабиёт каби фанларни ўқитишга қаратилиб, алгебра, хандаса, фалакиёт, кимё каби амалий фанларни ўқитишга эътибор сусайди. Қолаверса, асосий мақсади халқ фаровонлиги эмас, ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб туришга айланиб қолган айрим ҳукмдорлар даврида, уларнинг оммани маърифатли қилишга нисбатан кўпроқ ўзаро талончилик урушлари олиб боришга ружу қўйганликлари оқибатида ҳам Урта Осиё мадрасаларининг илмий салоҳияти пасайди. Ўлка чор Россияси мустамлакачилиги остига тушиб қолгач эса чор маъмурлари маҳаллий зиёлилар тайёрловчи анъанавий миллий ўқув юртлари бўлган мадрасаларда мустамлака тузумига қарши кураш ўчоқларини кўрдилар ва улар тараққиётига тўсқинлик қилдилар. Шун-

⁵¹ Ўзбек педагогикаси антологияси. Икки жиллик. 1-жилд. Тошкент. 1995. 464-бет; Педагогика тарихи. Ўқув қўлланма. Тошкент. 1997. 243-бет; Каримов Ш. Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Ўқув қўлланма, Тошкент. 1997. 528-бет; Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. Тошкент. 1981. 264-бет.

га қарамасдан XIX аср охири XX аср бошларига келганда ўлка ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида юз берган ўзгаришлар, мадраса таълимини ҳам четлаб ўтмади. Маърифатпарвар жадид ота-боболаримиз саъй-ҳаракатлари билан мадрасалар ўқув дастурига бир қатор замонавий амалий фанлар кириб кела бошлади. Бундай фанлар қаторида турк, рус, француз, инглиз тиллари, физика, кимё, агрономия, бухгалтерия, гигиена, психология, методика, тригонометрия, сиёсий иқтисод, коммерция каби⁵² фанларни санаб ўтиш мумкин.

Бироқ, Ўрта Осиёда ўрнатилган собиқ совет тузуми жадидларнинг мадрасалар ўқув дастурини ислоҳ этиш, уни замонавий амалий фанлар билан бойитиш йўлидаги фаолиятини бўғиб ташлади. 20-йиллар охирида бу тузум ўн асрдан зиёд вақт давомида фаолият кўрсатган анъанавий таълим масканларини ўқув юртлари сифатида бутунлай тугатиб, улар ўрнига маънавий илдишлари Шарқ таълим-тарбиясидан тубдан фарқ қилувчи собиқ совет таълим тизимини зўрлик билан жорий этди. Шу тарзда ўзбек халқи аجدодларининг асосий маънавий булоқларининг биридан маҳрум бўлди.

Юқорида баён этилган ўрта асрларда Ўрта Осиё мадрасаларининг илмий таҳлили бу даврда ўқитилган фанларнинг асосий қисми илмий, дунёвий ва ижтимоий тараққиёт учун ижобий аҳамиятга молик бўлган, уларда жаҳон миқёсида айрим фанларнинг асосчилари, деб тан олинган юртдошларимиз томонидан яратилган ўқув қўлланмалари асосида таълим-тарбия берилган ҳамда бу илмий меросдан мустақил Ўзбекистоннинг маънавий соғлом ва баркамол авлодини тарбиялаб вояга етказишда қадрият сифатида амалда фойдаланмоқ лозим, деган хулосага олиб келади.

⁵² УзР МДА. 47-фонд, 1-руйхат, 955-иш, 252—254-варақлар.

Қ. Насриддинов

МУСТАМЛАКА ДАВРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ИРРИГАЦИЯСИНИНГ ҲОЛАТИ

Қўқон хонлиги Россия томонидан олиб борилган йигирма уч йиллик босқинчилик урушидан сўнг 1876 йили босиб олиниб, хонлиқнинг Фарғона водийси ҳудудида ўз таркибига Андижон, Марғилон, Ҳш, Қўқон, Наманган ва Чуст уездларини олган Фарғона вилояти ташкил этилди¹. Вилоятнинг ҳамма бошқарув тизимларига ҳарбий кишилардан иборат бошлиқлар тайинланиб, маъмурий жиҳатдан уездларга, волостларга бўлиниб идора қилина бошланди.

Фарғона водийсида мустамлакачиларнинг олиб борилиши лозим бўлган аграр сиёсатидаги энг асосий муаммо — бу ер-сув масаласи бўлганлиги учун мустамлакачи маъмурият дастлаб бу масалада ер-сувдан фойдаланишнинг мавжуд маҳаллий қоидаларига ҳамда сув хўжалиги ишларига «аралашмаслик» позициясида турдилар.

¹ Қаранг: ЦГА Ўзбекистана. Ф. 19, оп. 1. Ферганское областное управление 1876—1917 гг.

Фикримизча, мустамлакачиларнинг жабҳа ишларига аралашмаслигининг сабаблари қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, водий қишлоқ ҳўжалигининг хусусиятлари, сунъий сугориш техникаси рус ҳокимияти чиновникларига мутлақо янги деҳқончилик юритиш усули бўлгани учун ҳам бу жабҳадаги ишларни «қал» этиш учун аввало уни яхшилаб ўрганиш лозим эди.

Иккинчидан, XIX асрнинг етмишинчи йилларида рус мустамлакачилари учун асосий вазифа ўлкани сиёсий жиҳатдан бўйсундириш бўлганлиги учун амалдаги мавжуд ўзига хос иқтисодий укладни бузиш ва янгисини жорий этиш таваккалчилик бўлиб ҳисобланарди.

Учинчидан, бу даврда рус капитали Туркистон иқтисодиётига ҳали кириб келмаган эди. Уша даврдаги халқаро вазият ҳам жуда кескин бўлиб, Россиядан ўзининг Туркистон сиёсатида оҳисталикни, асосий рақиби Англия билан алоқани таранглаштирмасликни, ўлкада қўрилаётган ташкилий ишларда халқ норозилигини қўзғатмасликни тақозо қилар эди², чунки рус маъмуриятига Қўқон хонлигида 1853—1871 йиллар ичида 12 та халқ қўзғолонлари³ бўлиб ўтгани уларнинг аксарияти ер-сув масаласи сабабли келиб чиққани аён эди.

Лекин юқоридаги ҳолатларга қарамасдан Туркистон генерал губернатори К. П. Кауфман ўз ихтиёрича Фарғона вилоятида баъзи бир янги чора-тадбирларни амалга оширишга уриниб кўрди. Жумладан, собиқ мулк ерлари қисман давлат хазинаси ҳисобига мусодара қилинди. Мулкдорларнинг барча имтиёзлари тугатилиб, улар марказий ҳукуматга солиқ тўлайдиган бўлади. «Сомон пули», «Миробона» каби баъзи маҳаллий солиқлар, қишлоқ оқсоқоли лавозими бекор қилинди⁴. 1878 йили июнда Фарғона вилояти ирригатори лавозими таъсис этилиб унга капитан Н. Жилин тайинланади⁵. К. П. Кауфмanning бу тadbирлари аввало империя манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган эди. Чунки, биринчидан Россия бу даврда иқтисодий оғир вазиятни бошидан кечирмоқда эди. Россия империяси ўзининг молиявий-иқтисодий аҳволини яхшилаш учун 1867 йили АҚШга умумий майдони 1,5 миллион кв.км бўлган Аляска ва Алеут ороллари 7,2 млн. долларга (11 млн. рубль олтин ҳисобида) сотишга мажбур бўлди. Лекин бу билан унинг аҳволи яхшилланмади⁶.

Иккинчидан, тараққий этиб келаётган Россия енгил саноати учун таннархи арзон Туркистон пахта хом-ашёси жуда зарур бўлиб, унинг жаҳон бозоридаги нархи йилдан-йилга ортиб бормоқда эди. Бунинг асосий сабаби эса жаҳон бозорига асосий пахта хом-ашёсини етказиб берувчи АҚШда XIX асрнинг 60-йилларида, Шимолий ва Жанубий штатлар ўртасидаги фуқаролар уруши туфайли пахта етиштириш

² Логвинов В. Россия в Средней Азии./Вопросы колонизации. 1903. № 4. С. 21.

³ Ўзбекистон тарихи. Тошкент. 1994. 248 бет.

⁴ Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. 1882. С. 170.

⁵ Миддендорф А. Кўрсатилган асар. 217-бет.

⁶ Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867—1917). Ташкент: Фан, 1997. С. 33.

4 барабарга қисқариб кетиши эди⁷. Бу ҳолатни яхшилаш учун ҳам К. П. Кауфман юқорида зикр этилган тадбирларни амалга оширган эди.

Лекин кези келганда шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, маъмурий жиҳатдан Фарғона вилоятининг ташкил этилиши, уездларга, волостларга бўлиниб, идора қилинишининг ўзида водийдаги мавжуд суғориш тармоқларидан фойдаланишга ҳалақит берадиган хатоликларга йўл қўйилган эди. Асосий суғориш тармоқлари водийнинг шарқий қисмида жойлашгани учун сувларнинг асосий қисми Уш, Андижон уездларида тақсимланиб, уларга Марғилон, Қўқон уездлари тобе бўлиб қолди. Ваҳолонки, хонлик даврида Андижонсой, Шаҳрихонсой каби йирик суғориш тармоқларининг сувини тақсимлашга жавобгар шахс бир киши бўлгани учун у сувни иложи борича тенг тақсимлашга ҳаракат қилар эди. Маъмурий бўлиниш туфайли уезд ва волостларнинг ташкил этилиши ҳамда суғориш тизимларини бошқариш учун жавобгар шахсларни тайинланиши билан жабҳада сувдан фойдаланишдаги мавжуд тартиб-қондалар бузилди. Натижада суғориш тармоқларидаги этак ерларга сув мутлақо етмай қолди.

1886 йили Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги янги Низомнинг қабул қилиниши билан чор ҳукумати Фарғона водийсида ер-сув муносабатларини тартибга солишга, мустамлакачилик ҳокимиятининг мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Низомга кўра, Туркистон ўлкасининг бутун ерлари чор ҳукумати ихтиёрига мусодара қилинди. Мулк шаклидаги хусусий ерлар, қисман вақф ерлари тугатилди. Ўлкадаги мавжуд сув ресурслари дарёлар, сойлар, каналлар, яйловлар давлатники деб эълон қилинди⁸.

Сувдан фойдаланиш тўлалигича чор маъмурияти тасарруфига ўтказилди. Бунга кўра, вилоят сув хўжалигининг ҳарбий губернатор тайинлаган ирригация мудири бошқарди, асосий суғориш тизимларини ҳам янги рус оқсоқоллари назорат қила бошлади. Шу тарика сув хўжалигини бошқаришда тўрт поғонали тизим вужудга келди. Бу тизимга кўра уезд, вилоят, марказ бошқарув тизимига маълумотли муҳандис, техниклар тайинланган. Табиийки, улар рус миллатига мансуб фуқаролар бўлган.

XIX асрнинг охирларига келиб империя олимлари олдида водийнинг иқлим шароитини, тупроқ таркибини, суғориш тармоқларини қувватини аниклаш, янгиларини лойиҳалаштириш асосий вазифа қилиб қўйилди. Бунинг натижаси ўлароқ, 1885 йилдан Америка пахтасини ўстириш тажрибаси водий шароитида яхши натижа берганлиги тўғрисида тавсияга биноан, уни водий шароитида кенг миқёсда етиштириш бошланди⁹. Шу тариқа Фарғона водийсида пахта яккахокимлигига илк тамал тоши қўйилди. Америка пахтасини экила бошланган йили Фарғона водийсида суғорма деҳқончилик майдонларининг

⁷ Массальский В. И. Хлопковое дело в Средней Азии. СПб., 1892. С. 15.

⁸ Положение об управлении Туркестанским краем//Полное собрание законов. СПб., 1888. С. 33.

⁹ Валиев Х. Положение деҳканства Ферғаны в конце XIX — начале XX веков. Ташкент: Госиздат, 1958. С. 26.

14 фозизга пахта, 26 фозизга бугдой, 22 фозизга жўхори, 15 фозизга шоли, 2 фозизга бошқа экинлар экилган бўлса, 1915 йилга келиб эса умумий экин майдонларининг 44 фозизга пахта, 27 фозизга бугдой, 2 фозизга жўхори, 8 фозизга сули, 7 фозизга шоли, 2 фозизга бошқа экинлар экилган. 1905—1915 йилларда америка пахтасини етиштириш 10 бараварга кўпайган¹⁰. 1916 йилга келиб эса Туркистон ўлкасида етиштирилаётган пахтанинг 80 фозизини Фарғона водийсида етиштирилган пахта ташкил қилган¹¹.

Фарғона водийсининг пахта етиштиришга ихтисослашуви ўз навбатида чор ҳукуматидан янги сугориш тармоқларини қуришни, мавжудларини таъмирлашни талаб этарди. Чор мустамлакаси даври ирригациясининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу даврда Фарғона водийсида катта сугориш тармоқлари қурилмаган, улар асосий диққат-этиборини собиқ хон канали Улуғнор системасини такомиллаштиришга, фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолган Мусулмонқул каналини тиклашга, Кампировотда водийнинг энг катта сугориш тармоқлари ҳисобланган Шаҳрихонсой ва Андижонсойни муттасил сув билан таъминлаш йўлларини қидириб топишга қаратди. Бундан ташқари маҳаллий аҳолининг сувга бўлган талабини қондириш мақсадида уларга ўз кучлари билан ариқ қазиларга рухсат бериб назорат қилинган. Бундай маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ариқлар қурилиши водий аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжини тўла қондира олмаган бўлса-да, кундалик турмушни яхшиланишида ижобий роль ўйнаган.

1887 йили Наманган уездидаги мавжуд Янгиариқ каналдан Ахси-Шаханд йўналиши бўйича ариқ қазилди. Бу ариқ қурилиши билан Тўрақўрғон, Миришкор, Ахси, Шаханд қишлоқларининг сув таъминоти яхшиланди. Ариқнинг умумий узунлиги 17 км бўлиб, у қўшимча 5000 десятина янги ерларни сугориш имконини берган¹².

1887—1888 йилларда Қорадарёдан бош олувчи Шаҳрихонсойнинг тўғони қайта қурилди. Янги қурилган тўғон инженерлик типига водий сугорма деҳқончилигида илк бор қурилган гидроиншоот бўлиб, у асосан қаттиқ қурилиш материали ҳисобланган тошлар билан барпо этилди.

Фарғона водийсининг шарқий қисмида сув таъминотини яхшилашга мўлжалланиб қурилган Қорадарёдан сув олувчи Мусулмонқул ариғидан 1888—1890 йилларда Сиза ариғи қазилди. 1899 йили эса Улуғнаҳр каналдан сув олувчи умумий узунлиги 15 км бўлган Балиқчи канали қурилди. Бу сугориш тармоқлари қурилиши билан Хўжабоп, Ҳаққулобоп, Шераличк, Гадоитопмас, Балиқчи, Уртақўрғон, Бўстон каби қишлоқларнинг сув таъминоти яхшиланиб, қўшимча 16 минг десятина янги ерларни ўзлаштириш учун имконият яратилди¹³.

¹⁰ Вся Средняя Азия. Ташкент, 1926. С. 135.

¹¹ Валиев Х. Положеніе дехканства Ферганы в конце XIX — начале XX вков. Ташкент: Госиздат, 1958. С. 26.

¹² УзР. МДА. 1-фонд, 12-руйхат, 994-иш, 230-варақ.

¹³ УзР. МДА. И. 1-фонд, 6-руйхат, 65-иш, 1-варақ.

XX asrning бошларига келиб сув манбаларидан юқорида жойлашган экин майдонларини сугориш ҳамда янги ерларни ўзлаштиришда сув насослари қўлланила бошланди. 1908—1914 йилларда Сирдарёда умумий қуввати 1607 от кучига тенг бўлган 29 та насос ўрнатилиб, ишга туширилди. Улар ёрдамида қўшимча 2000 таноб янги ер ўзлаштирилиб, сугорилди¹⁴.

Мустамлака даврида Фарғона водийсини илмий жиҳатдан ўрганиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Айниқса, К. В. Синяевский, Н. А. Петров, Н. Н. Едачин, И. Г. Александров раҳбарлигидаги илмий тадқиқотлари туфайли Фарғона водийсининг сув ресурслари, тупроқлари таркиби ҳар томонлама чуқур ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Эътироф этиш лозимки, мустамлака йилларида ўлкага турли соҳага мансуб юқори малакали мутахассис олимларнинг катта гуруҳи кўчиб келиб, фаолият кўрсата бошлади. Улар ўзлари билан ерли халқлар учун нотаниш бўлган илм-фан ва техника янгилекларини, энг асосийси, янгича таълим-тарбия ва ўқиш-ўқитиш соҳасидаги билим, тажрибаларни олиб келиб амалда қўллаш бошладилар. Айниқса, ирригация соҳасида кўзга ташланарли янгилеклар юз берди. Муҳандис-ирригаторлар ва гидротехниклар ўлка амалиётида илк бор ирригация иншоотларини лойиҳа, смета асосида қидирув ишларининг натижаларига таяниб амалга ошириш тажрибасини қўллаш бошладилар. Янги қурилиш материаллари — бетон, темир-бетон ва металл конструкциялар ишлатила бошланди. Дарёлар гидрологияси ва сув миқдорини ўлчаш, об-ҳавони ўрганиш, тупроқ тизимида, пахтани сугоришда гидромодулла масаласи каби илмий амалий ишлар билан шуғулланила бошланди. Лекин мустамлакачи ҳукумат «Босиб ол, бўлиб ташла, эгаллик қил» принциплари асосида сиёсат олиб борганлиги учун ҳам юқорида зикр этилган тадбирлар фақат бир мақсадга, яъни Туркистон ўлкасини, жумладан, Фарғона водийсининг бой табиий ресурсларини талон-торож қилишга қаратилган эди.

XIX asrning oxirlaridan bo'shlab Farғona vodiysiga rus deҳқonlarini kўchirib olib keliш siёsati amalga oshirila bo'shlendi. Чор ҳукумати кўчиб келган деҳқонларни ер билан таъминлаши зарур эди. Бу масалани ҳал этишнинг икки йўли бўлиб, биринчисига кўра ҳукумат янги ерларни ўзлаштириб рус деҳқонлари ўртасида тақсимлаб бериш лозим эди. Бу эса ҳукуматдан катта маблағ сарф этишни тақозо этар эди. Иккинчиси—ноқонуний йўл бўлиб, маҳаллий аҳолидан ерларини мусодара қилиш орқали тортиб олиб, рус деҳқонларига бериш эди¹⁵. Мустамлакачи ҳукумат албатта иккинчи йўлни ташлаб бу масалани ҳал этишга киришди.

Фарғона водийсининг Уш, Жалолобод, Андижон, Марғилон, Наманган, Ўзган волостларига қарашли энг ҳосилдор, деҳқончилик учун қулай ерлар «катта имтиёзлар» билан рус деҳқонларига маҳаллий

¹⁴ Ирригация Узбекистана. В 4 т. Т. 1. Ташкент: Фан, 1975. С. 166.

¹⁵ Котюкова Т. В. Отношение Государственной Думы к переселенческой политике царизма в Туркестанском крае//Общественные науки в Узбекистане. 1999. № 3—4. С. 47.

Каттақўргонда шаҳар Думасига сайланган 26 аъзодан 23 нафари миллий ташкилотларнинг аъзолари¹³ эди.

Скобелев шаҳар Думасига сайловлар бошқачароқ бўлди, бу ерда социалистлар блоки ғалаба қозонди (33 кишидан 18 аъзо)¹⁴.

Умурроссия ташкилотларининг мағлубияти минтақадаги турли ижтимоий-сиёсий кучлар ўртасида жиддий келишмовчиликлар мавжудлиги ва маҳаллий аҳоли вакилларининг кўпчилиги мазкур партиялар дастурий қондаларига ишончсизлик билан қараётганидан далolat берарди.

Шундай қилиб, мазкур сайловлар маҳаллий аҳолининг сиёсий фаоллиги, миллий ўзини англаши ўсганлиги демократик тамойиллар кучайганлигини яна бир марта намойиш қилди.

Туркистонликлар, айниқса, тошкентлик ишчилар ва аскарлар большевикларнинг тарғиботи таъсирида тобора радикаллашиб бордилар. Турмуш шароитининг кескин ёмонлашиб бораётганлиги, ёпирилиб келаётган очлик олдида қўрқин, ваҳимага тушиш, миш-мишлар бу омманинг ижтимоий барқарорлигига путур етказди, уни стихияли оломонга айлантириб қўйди, у ҳар қандай ташвиқот ва чақириқлардан тезда аланга олиши мумкин эди. Тошкент аскарлари ва ишчиларининг 12 сентябрдаги стихияли митингининг бошланиши ана шундай бўлди. Лекин озиқ-овқат муаммоларидан бошланган бу митинг большевиклар таъсири остида сиёсий тусга кирди. Большевиклар таклифи билан қабул қилинган қарорда ҳокимиятнинг советларга ўтганлиги, муваққат инқилобий қўмита ташкил этилганлиги айтилган эди. Мазкур қўмита капиталистлар, бойлар ва қулоқларнинг озиқ-овқат захираларини дарҳол мусодара қилиши, саноат ва банкларни давлат мулкига айлантириши мумкин эди ва ҳоказо.

1917 йил 16 сентябрь куни вазир Керенскийнинг шаҳардаги ҳокимиятнинг инқилобий қўмита томонидан ғайриқонуний равишда босиб олинishiни тугатиш талаб қилинган телеграммаси ҳақидаги хабар маълум бўлди. Ана шу хабар таъсири остида кечкурун соат 8 ларда Тошкент шаҳар Думасининг мажлиси очилди. Думанинг 70 аъзоси иштирок этган мажлисга П. А. Дюбург раислик қилди. Дума аъзолари ниҳоятда жунбushга келдилар. Думанинг икки социал-демократ аъзосидан бошқа ҳамма Тошкентда бўлиб ўтган воқеадан ғазабга келиб, афеусландилар. Дума аъзолари муҳокамадан кейин инқилобий қўмитани тан олмаслик тўғрисида қарор чиқардилар ва ўз ишларини тинчгина давом эттирдилар. Пировардида бетараф қолган 3 нафар социал-демократдан ташқари, социал-инқилобчиларнинг Т. Ф. Першин тузатиш киритган қарори бир овоздан қабул қилинди.

Петроградда большевиклар томонидан амалга оширилган Октябрь тўнтаришидан кейин Туркистон ўлкасининг сиёсий ҳаётида

¹² Свободный Самарканд. 1917. 12 сентябры.

¹³ Туркестанский курьер. 1917. 13 сентябры.

¹⁴ Знамя свободы. 13 сентябры.

туб ўзгаришлар рўй берди. Бу ерда марказдан фарқли ўлароқ, қурулди қўзғолон ғалабасидан кейин ўзига хос вазият юзага келди. Агар Петроградда ҳокимият тўғрисидаги масала дарҳол советларнинг II Бутунроссия съездида ҳал этилган бўлса, Туркистонда ҳали ҳокимият учун кураш давом этарди. Муваққат ҳукуматни ағдариб ташлашга, Петрограддаги большевиклар тўнтаришига ва ҳокимиятни советлар қўлига ўтишига муносабат масаласида ўлкадаги мусулмон ва маҳаллий ташкилотларнинг тутган йўли ўлкада маҳаллий бўлмаган кўпгина демократик ташкилотлари нуқтан назари билан мос келмасди.

2 ноябрда ишчи ва деҳқон депутатлари Туркистон ўлка совети ўлкадаги ҳокимиятни бир ўзи қўлга олишдан воз кечди ва ўз йиғилишида съезд очилишига қадар бўлган даврда 9 кишидан иборат Туркистон ижроия қўмитасини ташкил этишни ва унинг ҳузурда ўлкадаги барча ташкилотлар, Дума ва Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси вакилларида иборат ўлка кенгаши ташкил этишни тақлиф қилди¹⁵. Шу куннинг ўзида ўлка демократик ташкилотлари кенгаши бу қарорни маъқуллади ва поручик эсер В. А. Подпалов бошчилигида Туркистон муваққат ижроия қўмитасини сайлади¹⁶.

Бу қўмита ҳузурда 20 кишидан иборат ўлка кенгаши ташкил этилди, улардан фақат 4 нафари маҳаллий аҳолининг вакиллари эди. 1917 йил 7 ноябрда Туркистон ижроқўми 15 ноябрда демократик ташкилотлар ва шаҳар Думалари ўлка съездини чақириш тўғрисида телеграмма юборди, съезд ҳокимият тўғрисидаги масалани ҳал қилиши лозим эди. Айни вақтда ишчи ва солдат депутатлари ўлка кенгаши худди шу кун ўлка советлари 3-қурултойини ўтказишни белгиланган эди.

Тошкент шаҳар Думасининг октябрь воқеаларидан кейинги биринчи мажлиси 8 ноябрда бўлиб ўтди. Бироқ, унда чамаси бошқа муҳим масалаларни ҳал этиш зарур бўлганлиги туфайли «Шўро ислония» ташкилотининг раҳбарлари У. Хўжаев, Т. Норбўтабеков, М. Абдурашидхонов, П. Пулатхонов, С. Акаев ва бошқалар иштирок эта олмадилар¹⁷. Мажлисларда эсдеклар устунлик қилди. Шунга қарамадан, «тўнтариш» масаласи муҳокама қилинди ва бу масала юзасидан Туркистон ўлкаси шаҳар ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг яқин орада бўладиган съездида умумий қарор қабул қилишга келишиб олинди, бу съезд 12 ноябрдан 14 ноябргача Тошкентда бўлиб ўтиши лозим эди.

Миллий демократиянинг фикрича, большевикларга қарши жипс-лашни ва ҳокимиятни демократик йўл билан топириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш зарур эди. 1917 йил 12 ноябрдан 15 ноябргача Тошкентда турли мусулмон гуруҳларининг бирлашган кенгашининг чақирилиши ана шундай уриниш бўлди. Бу кенгашда Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг вакиллари иштирок этдилар, улар асосан «Уламо» тарафдорлари эди. Бирлашган кенгашда фақат «Туркистон-

¹⁵ Туркестанские ведомости. 1917. 8 ноября.

¹⁶ Наша газета. 1917. 9 ноября.

¹⁷ Улуғ Туркистон, 1917, 11 ноябрь.

да ҳокимиятни ташкил этиш тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди ва қабул қилинган қарорда 12 кишидан иборат Туркистон ҳукумат қўмитаси ва унинг назорат органи бўлган «Туркистон ўлка кенгаши»ни ташкил этиш таклиф қилинди. Ҳукумат таркибига ишчи ва солдат депутатлари кенгашидан ва шаҳар ўз-ўзини бошқариш идораларидан 3 нафардан вакил ва Ўлка мусулмонлари қурултойидан 6 вакил кириштириш назарда тутилган эди. Туркистон ўлка кенгаши эса мусулмонлар қурултойи 10 вакилидан, кенгашлар ва шаҳар ўзини ўзи бошқариш идораларидан 5 нафардан вакил бўлиши лозим эди¹⁸.

Тошкент шаҳар Думаси ташаббуси билан чақирилган Туркистон ўлкасидаги ўзини ўзи бошқариш шаҳар идоралари съезди бу даврда минтақадаги шаҳар Думалари фаолиятидаги энг ёрқин воқеалардан бири бўлди. Ўзини ўзи бошқариш идоралари вакилларининг кўплари келмаганлиги сабабли 1917 йил 12 ноябрга мўлжалланган съездни 13 ноябрга кўчиришга қарор қилинди. Съезд Тошкент шаҳар Думаси залида иш олиб борди. Съездга Сирдарё вилоятидан 16, Фарғона вилоятидан 15, Самарқанд вилоятидан 14, Закаспий вилоятидан — 5, Бухоро ва унинг ер-мулкларидан — 5 ва Тошкент вилоятидан — 10 вакил иштирок этди. Улардан 29 нафари европалик, 26 киши маҳаллий аҳоли вакиллари эди. Мусулмонлар ташкилотларидан анжуманда С. Акаев, Т. Норбўтабеков, Миразимов, Маҳмудов ва бошқалар иштирок этишди¹⁹.

Съезднинг кун тартибида 6 масала бор эди:

- 1) Ўлкадаги ва хусусан Тошкентдаги мавжуд аҳвол;
- 2) Таъсис йиғилишига қадар ўлка ҳокимиятини ташкил этиш тўғрисидаги масала;
- 3) Шаҳар ўзини ўзи бошқариш идоралари ваколатини кенгайтириш ҳақида;
- 4) Озиқ-овқат масаласи ва шаҳар ўзини ўзи бошқариш идораси;
- 5) Туркистон ўлкаси шаҳарлари иттифоқини ташкил этиш;
- 6) Съездда юзага келиши мумкин бўлган турли масалалар юзасидан музокаралар.

Съездни Тошкент шаҳар Думасининг аъзоси Я. Миллер очди. Съезд иштирокчилари ҳокимиятнинг подемократик йўл билан бошқарилиши қўлига ўтишига қарши фикр билдирдилар ва Туркистон коалицион ҳукуматини ташкил этишни ёқлаб чиқдилар. Съезд муваққат ҳукумат ҳокимиятини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди²⁰ ва шаҳар ўзини ўзи бошқариш идоралари бошқача асосларда ташкил этилган бирон-бир бошқа органга, яъни ўлкадаги совет ҳокимиятига бўйсунмайди, деб эълон қилди. Бу қарорда ўлкадаги шаҳар Думаларини янги ҳокимиятнинг «қонунидан ташқари» қилиб қўйди. Съезд фаолияти вақтли матбуотда, хусусан, «Туркестанские ведомости»да кенг ёритилди. Унинг иши Туркистон ўлкаси шаҳар ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятида олға босилган қадам бўлди.

¹⁸ Туркестанские ведомости. 1917. 21 ноября.

¹⁹ Там же. 15 ноября.

²⁰ ЎЗР МДА, 1044-фонд 1-руҳхат, 13-иш, 27—28-варақлар.

15—22 ноябрда Туркистон ўлкаси советларининг 3-қурултойи бўлиб ўтди. Унинг кун тартибида ўлка ҳокимиятини ташкил этиш, жойларда ҳокимият барпо қилиш ва таъсис мажлисига сайловлар масалалари турарди. Ўлка ҳокимиятини ташкил этиш тўғрисидаги масала Туркистон аҳолисининг барча қатламлари учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, ўнг эсер Зимин қурултойда иштирок этиш учун шаҳар ўзини ўзи бошқариш идоралари вакилларига рухсат этилишини таклиф қилди. Уни меньшевик Гапеев қўллаб-қувватлади. Бироқ, большевиклар ва максималистлар фракциясининг қаттиқ туриб талаб қилиши билан бу таклиф рад этилди²¹.

Меньшевиклар ва ўнг эсерлар қурултойда ўлкадаги ҳокимиятни Туркистон «ниқилобий партияси»нинг вакилларида ташкил топган коалицион ҳукуматга топширишни қатъий талаб қилиб чиқдилар.

Қурултойда ташкил этилган ҳокимият органларида маҳаллий аҳоли вакилларида бирорта ҳам киши, партиялар ва ҳаракатларнинг аксарият кўпчилигининг вакиллари йўқ эди.

Ҳокимиятни шакллантиришга недемократик ёндашув, маҳаллий аҳоли ҳуқуқларининг бузилиши, Туркистон мухторияти масаласининг ҳал этилмаганлиги миллий демократиядан бу масалаларни ҳал этишнинг талаб қиларди. 1917 йил ноябрнинг охирида ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда қурултойида Туркистон мухторияти эълон қилинди, муваққат ҳукумат ва халқ кенгаши сайланди. Муваққат ҳукуматга бошқалар билан бир қаторда озиқ-овқат вазири, Қўқон шаҳар Думаси раисининг собиқ ўринбосари, жамоат ва сиёсий арбоб Обиджон Маҳмудов ҳам сайланди.

Мазкур қадам ўлка маҳаллий аҳолининг қизғин қўллаб-қувватлаши ва большевикларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди.

Большевикларнинг ўз ҳокимият органларини ташкил этиши уларни қўллаб-қувватламаган аввалги барча ҳокимият органларини тугатиш билан бирга борди. Бу ҳол шаҳар Думаларига ҳам тааллуқли эди.

Ўлкадаги шаҳар Думалари шаҳарлардаги аҳоли томонидан муқобиллик асосида демократик йўл билан сайланган бўлишига қарамай, большевиклар уларни тугатдилар. Улар бунинг учун корхоналардаги, асосан, рус ишчилари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишлардан фойдаландилар, шаҳарлардаги бошқа аҳолининг, шу жумладан, маҳаллий аҳолининг асосий кўпчилиги фикри билан ҳисоблашиб ўтирмадилар. Бу ўрнида синфий ва шовинистик ёндашувлар устунилик қилди.

Туркистоннинг биринчи Халқ комиссарлари кенгаши 1917 йил 4 декабрда Тошкент шаҳар Думасини тарқатиб юборди. Бу тadbир аҳолининг демократик кайфиятдаги қатламларининг норозилигига сабаб бўлди. Масалан, 1917 йил 6 декабрда Тошкент Жоме масжидида бўлиб ўтган митингда Туркистон мухторияти қўллаб-қувватланди ва Тошкент шаҳар Думасининг тарқатиб юборилганлиги қораланди.

²¹ Туркестанские ведомости. 1917. 18 ноября.

Бошқа шаҳарлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари вилоятлар Халқ комиссарлари кенгашлари ва маҳаллий кенгашлар томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ бекор қилинди: 1918 йил январда Ашхободда, февралда — Самарқандда, мартда — Хўжанд ва Жиззахда, апрелда — Уратепада, майда — Туркистонда, эски Марғилон, Уш, Черняевск, Чоржўйда, 1918 йилнинг ёзида — Марв, Крайноводск, Қарки, Жаркент, Авлиё ота, Скобелев (Фарғона)да, 13 октябрда Петроалександровск, декабрда — Андижонда ва бошқа шаҳарларда Дума ва Управалар тарқатиб юборилди. 1918 йил давомида ҳамма ерда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тугатилди.

Шаҳар Думалари ва Управалари тугатилиши натижасида маҳаллий хўжалик ва маданий-оқартув муассасалари устидан раҳбарлик тўлалигича янги ҳукумат қўлига ўтди.

Шундай қилиб, 1917 йилга келиб Тошкент шаҳар Думасининг ташкил топганига 40 йил тўлган эди. Лекин ўтган бу йиллар мобайнида мустамлакачи маъмурлар маҳаллий аҳоли ижтимоий фаоллигининг ҳар қандай кўрinishини қатъий чеклаб ва унга нисбатан тазйиқ ўтказиб келди. Фақат хоризм қулагандан кейин 1917 йил ёзида, шаҳар Думаларига ўтказилган сайловлар даврида, маҳаллий аҳолининг сиёсий фаоллиги, унинг миллий ўзини англаши кучайганлиги натижасида миллий ташкилотларнинг таъсирини намоён этиш имкони тугилди.

М. Раҳимов

ЮНЕСКОНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МАДАНИЙ ВА ТАРИХИЙ МЕРОСИНИ ТИКЛАШГА ҚУШАЕТГАН ҲИССАСИ

Ўзбекистон — жаҳондаги кўп асрлик маданий-тарихий қадриятларга, бой маданий анъаналар ва урф-одатларга, юксак маънавий ютуқларга эга бўлган мамлакатлардан бирidir.

Бирлашган миллатларнинг маориф, фан ва маданият, таълим масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг бебаҳо тарихий мероси, унинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини ҳисобга олиб, Марказий Осиё цивилизацияси тизимида ўзбек халқи маданиятини ўрганиш, қайта тиклаш ва уни кенг оммалаштиришга жуда катта эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Қаримов ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессиясида сўзга чиқиб, ўзбек халқига унинг чинакам тарихини қайтариб бериш, тарихий хотирани тиклашдаги ёрдами ва ҳомийлиги учун ЮНЕСКО ташкилоти раҳбариятига юксак эҳтиром изҳор этди¹.

Бу халқаро ташкилотнинг қадимий шаҳарларимиз ва буюк аждодларимиз билан саналарининг байрам қилинишида иштирок этиши Ўзбекистоннинг маънавий меросини тиклаш ишида алоҳида ўрин тутди. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 27, 28 ва 29-сессиялари қарори билан мамлакатимизнинг ЮНЕСКО тақвим тадбирлари рўйхатига

¹ Народное слово. 1998. 7 ноябрь.

буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг 600 (1994), Ўзбек халқининг буюк фарзанди Амир Темурнинг 600 (1996), қадимий шаҳарлар Бухоро ва Хиванинг 2500 (1997), машхур муҳаддис имом ал-Бухорийнинг 1225 ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 (1998), «Алпомиш» қаҳрамонлик эпосининг 1000 ва ўзбек халқининг улуғ фарзанди Жалолиддин Мангубердиннинг 800 йиллик (1999) юбилейларини нишонлашни киритиш ҳақидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди ва улар жаҳон миқёсида кенг нишонланди.²

Бу тадбирлар жаҳон маданий ва илмий жамоатчилигининг диққат-эътиборини Ўзбекистонга қаратди. Буюк аجدодларимиз ва дурдона шаҳарларимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ролини аниқлашга ёрдан берибгина қолмай, шу билан бирга, жаҳон жамоатчилигини миллий маънавий ва тарихий қадриятларимизни тиклаш соҳасидаги эришган ютуқларимиз билан таништиришга ҳам кўмаклашди.

«Буюк Ипак йўли — мулоқот йўли» номи — жаҳон дастури ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё цивилизациясининг тарихини ўрганиш соҳасидаги улкан дастури бўлди. Бу дастур БМТнинг маданий тараққиёт бўйича жаҳон ўн кунлиги (1998—1999) доирасида ўтказилди.

ЮНЕСКОнинг мазкур дастурини бажариш жараёнида 30 дан ортиқ халқаро семинарлар ва конференциялар ўтказилди, 900 дан ортиқ илмий маърузалар эълон қилинди, Марказий Осиёнинг илм-фани, маданияти, тарихи ва географияси муаммоларига бағишланган қарийб 300 та маъруза тингланди; 258 та қадимий ёдгорлик ва музейларга саёҳат уюштирилди, тўла метражли 36 та фильм суратга олинди. Ушбу дастурда жаҳоннинг 45 та мамлакатидан 200 дан ортиқ олим иштирок этди. 11 та илмий экспедиция ташкил қилинди. Улар орасида «Марко Поло зиздан» (1987 йил июль-август, Истанбул-Пекин), «Сахро экспедицияси» (1990 йил апрель-май, Сиань-Кашгар), «Чўл экспедицияси» (1991 йил апрель, Марказий Осиё республикалари), кўчманчилик маданияти маршрутлари бўйлаб экспедиция (1992 йил июль-август, Мўғулистон), «Будда маршрути» (1994, Хиндистон, Хитой, Покистон, Ўзбекистон, Афғонистон, Тожикистон), «Гарбий сахро маршрути» (1994 йил, Марв-Истанбул), «Европанинг ипак йўли» (1995 йил, Истанбул-Лион) ва бошқа илмий экспедициялар бор.³

«Буюк Ипак йўли — мулоқот йўли» лойиҳаси доирасида ЮНЕСКО ассоциациялар федерацияси раиси И. Хирояма томонидан ҳар бири 10000 АҚШ доллари миқдорида ҳар йилги 10 та стипендия таъсис этилган эди. Бу стипендияларнинг асосий мақсади «Буюк Ипак йўли» мавзусида тадқиқот олиб бораётган ёш олимларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Ўзбекистонлик олимлар ҳам бу стипендия совриндорлари бўлишди. Хусусан, 1994 ва 1995 йилларда тадқиқотчилардан

² UNESCO: Resolution of twenty-seventh session of the General conference. Vol. I, Paris. UNESCO publishing, 1997. P. 102; UNESCO. Resolution of twenty-eighth session of the General conference. Vol. I, Paris. UNESCO publishing, 1997. P. 89; Resolution of twenty-ninth session of the General conference. Vol. I, Paris. UNESCO publishing in 1997. P. 85.

³ UNESCO and a culture of peace. Promoting a global movement. Paris. UNESCO publishing, 1997. P. 31.

Т. Ширинов ва Б. Матбобоев (ЎзР ФА Археология институти), 1996 йилда Э. Каримов (ЎзР ФА Тарих институти) АҚШ, Франция ва дунёнинг бошқа мамлакатларидаги турли илмий марказларда тадқиқот олиб бориш имконини қўлга киритдилар.

Шундай қилиб, «Буюк Ипак йўли — мулоқот йўли» лойиҳаси Шарқ ва Ғарб халқларининг ўзаро ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзаро муносабатларини ўрганиш ҳамда тарғиб этишда, шунингдек, ЮНЕСКОнинг халқлар ўртасида маданиятлар мулоқотини ва мулоқот маданиятини йўлга қўйишга даъватига муҳим босқич бўлди.

ЮНЕСКО Бош конференцияси 19-сессиясининг Буюк Ипак йўлини ўрганиш дастурини давом эттириш тўғрисидаги қарорини ўтмишдаги яхши анъаналарнинг тикланиши ва тинчлик ҳамда инсоний муносабатларга янги йўл очилиши сифатида қараш мумкин⁴.

ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўналишларидан бири халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва ўзаро ҳамжиҳатликни ривожлантириш мақсадида инсониятнинг маданий мерос соҳасидаги илмий асарларини тарқатишдан иборатдир. Бу жиҳатдан олти жилдан иборат фундаментал «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» асарининг тайёрланиши ва ўрганилиши муҳим воқеа бўлди. Унда Ўрта Ер денгизидан Хитойгача чўзилган Марказий Осиё минтақасидаги, тарихий ва маданий жараёнларнинг ҳар томонлама манзараси ўз аксини топади.

«Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» асари қуйидаги жилдлардан иборат:

1-жилд. Цивилизация тонгида: энг қадимги замонлардан милoddан аввалгиг 700 йилгача бўлган давр.

2-жилд. Ўтроқ ва кўчманчи халқлар цивилизацияларининг ривожланиши: милoddан аввалгиг 700 йилдан милoddий 250 йилгача бўлган давр.

3-жилд. Цивилизацияларнинг кесишган жойи: милoddий 250—750 йиллари.

4-жилд. Муваффақиятлар даври: милoddий 750 йилдан XV асргача.

1-қисм Тарих ижтимоий ва иқтисодий вазият.

2-қисм. Эришилган ютуқлар.

5-жилд. Қарама-қаршиликларнинг авж олиши: XV асрдан XVIII асргача.

6-жилд. Замонавий цивилизация сари: XIX асрнинг ўрталаридан ҳозиргиг давргача.

Мазкур асарни тайёрлаш ва нашр этиш учун жаҳоннинг етакчи олимларидан иборат халқаро қўмита тузилган. Бизнинг республика-миздан бу қўмитага ўша йилларда ЎзР ФА Тарих институти тарихшунослик ва манбашунослик бўлими мудирини бўлган Д. А. Алимова кирган эди.

1992, 1993, 1996 ва 1998 йилларда асарнинг дастлабки тўртта

⁴ UNESCO: Resolution of twenty-ninth session of the General conference. Vol. I, Paris. UNESCO publishing. 1997. P. 25.

жилди нашрдан чиқди⁵. Марказий Осиё цивилизациялари тарихи бой археологик ва тарихий материалларга асосланган. Мазкур нашр кенг халқаро ҳамкорлик асосида, биринчи навбатда бу улкан тарихий-маданий минтақага кирувчи мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон мутахассислари иштирокида амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳада иштирок этаётган ўзбекистонлик олимлардан, хусусан, Г. А. Пугаченкова, Б. А. Аҳмедов, А. Р. Муҳаммаджонов, Р. Г. Мукминова, Д. А. Алимова, хорижлик олимлардан Б. М. Массон (Россия), А. Х. Дани (Покистон), Д. Дори (Мўғулистон), Ж. Шеффер (АҚШ) ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шундай қилиб, «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» асарини ўз атрофига бутун дунёдан турли-туман, баъзан эса бутунлай қарама-қарши нуқтани назарлар ва илмий концепцияларга асосланувчи, лекин Марказий Осиё маданий ва тарихий ривожланишининг яхлит манзарасини беришни мақсад қилиб қўйган.

Бу биринчи ва йирик халқаро илмий иш ҳисобланади. Машҳур тадқиқотчиларни бирлаштирган, бу халқаро ташкилотнинг республикамиздаги маданий ва тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш борасидаги маслаҳатлари ва аниқ ёрдамлари Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ҳамкорлигининг энг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Масалан, ЮНЕСКОнинг махсус эксперт комиссиялари маданий ва тарихий қадриятларни қайта тиклаш соҳасидаги устувор муаммоларни белгилаб берадилар, ёдгорликларни таъмирлашга доир мавжуд лойиҳаларни таҳлил қилиб чиқадилар ва уларни баҳолайдилар. Қўпгина ёдгорликларни таъмирлаш ишлари ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилиб келинади, чунончи, Самарқанддаги Бибиҳоним масжиди ва Бухородаги Сомонийлар мақбараси худди шундай йўл билан таъмирланган⁶.

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудида 300 мингга яқин археология ёдгорликлари мавжуд бўлиб, уларнинг аҳамияти архив ёдгорликларидан кам эмас. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин олимларимиз ва уларнинг хориждаги ҳамкасблари Ўзбекистондаги археологик объектларни биргаликда тадқиқ қилиш имкониятига эга бўлидилар. Ўзбек ва япон олимларининг Сурхондарё вилоятидаги археологик объектларда олиб борган ҳамкорлик ишлари шулар жумласидандир. Бу ерда Будда маданиятининг ноёб ёдгорликлари топилган. Япония ҳукуматининг қарори билан Япония траст жамғармаси ва ЮНЕСКО орқали Ўзбекистон ҳудудида жойлашган жаҳон маданияти ёдгорликларини таъмирлаш ва консервация қилиш билан боғлиқ бўлган ишларини давом эттириш учун бир неча миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

⁵ History of civilisation of Central Asia, V. I: The dawn of civilisations: earliest times to 700 B. C. Paris, 1992; V. II: The development of sedentary and nomadic civilisations 700 B. C. to AD 250. Paris, 1993; V. III: The crossroads of civilisations: A. D. 250 to 750. Paris, 1996; V. IV: The age of achievement A. D. 750 to the end of the fifteenth century. Part I. The historical, social and economic sitting. Paris, 1998.

⁶ Rebuilding the Silk road culture tourism and revival of Heritage in Uzbekistan UNESCO. Paris UNESCO publishing. P. 5—10.

Хозирги вақтда Япония траст жамғармаси ва ЮНЕСКО томонидан Фаёзтепа шаҳарчасидаги археологик объектларни консервация қилиш лойиҳаси ишлаб чиқилган⁷.

ЮНЕСКОнинг маданий бойликларни сақлаш, муҳофаза қилиш ва ривожлантириш соҳасидаги фаолияти кўпгина йўналишлар бўйича олиб борилмакда. ЮНЕСКО 350 тадан ортиқ ёдгорликлар ва тарихий жойларни ўз ичига олувчи «Жаҳон мероси рўйхати»ни тузиб чиққан⁸. Бу рўйхатга 1990—1993 йилларда Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари бўлган Хивадаги Ичанқалъа ва Бухоронинг тарихий маркази, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик Институти Шарқ қўлёзмалари коллекцияси ва ноёб Усмон Қуръони киритилган⁹. Биздаги ёдгорликларнинг ана шу рўйхатдан жой олганлиги бебаҳо меъморий ёдгорликларни сақлаш, табиий офатлар рўй берганда уларни ҳимоя қилиш муаммоларига жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини қаратиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, ЮНЕСКО ва Ўзбекистоннинг маънавий ва тарихий меросни қайта тиклаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигига доир тўпланган бой тажриба ўзбек халқининг жаҳон маданиятига қўшган улкан ҳиссасини кенг тарғиб қилиш имконини беради. Бу эса халқимизнинг миллий ўзлигини англаши ва мамлакатимизнинг барқарор маънавий ривожланишининг негизини ташкил этади. Шу билан бирга, ҳали фойдаланилмаган имкониятлар учун кенг майдон сақланиб қолади.

Бизнинг фикримизча, маданий ва тарихий меросни тиклаш соҳасида Ўзбекистон билан ЮНЕСКОнинг ўзаро муносабатларини чуқурлаштириш учун қуйидаги омиллар ёрдам бериши мумкин: Ўзбекистондаги маданий ёдгорликларни ЮНЕСКОнинг халқаро меъёрларида мувофиқлаштириш ва бу ёдгорликларни ҳимоя қилиш тўғрисида миллий қонун қабул қилиш; ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондан ғайриқонуний равишда олиб кетилган маданий бойликларни Ватанимизга қайтариш соҳасидаги фаолиятини кучайтириш.

Ноёб ва бирдан-бир халқаро асар бўлган «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» ўзбек ва рус тилларига таржима қилинса ва шунингдек, республикамызда ЮНЕСКО ҳомийлигида Ўрта Осиё маданияти тарихи халқаро музейи ташкил этилса, айни муддао бўлар эди.

⁷ Народноное слово, 1999, 20 мая.

⁸ UNESCO on ideal in action F. Mayor in collaboration with S. Tanguiane. Paris UNESCO publishing. P. 111.

⁹ World Heritage List by the world Heritage committee as at 1999. Paris UNESCO publishing 1999.

Манба ва талқин

З. Жўраев

АЛ-МААВАРДИЙНИНГ «АЛ-АҲКОМ УС-СУЛТОНИЯ ВА-Л-ВИЛОЯТ-ИД-ДИНИЯ» АСАРИДА ДАВЛАТЧИЛИК ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ-ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Халқимиз мустақилликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг, ўз тарихининг, миллий маданий, маънавий меросининг чинакам соҳибига айланди¹.

Шахсан Президентимиз И. А. Каримовнинг ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» қабул қилинган қарорда: «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги ҳаққоний тарихини ўрганиш мамлакатимиз ва чет элларда мавжуд тарихий манбалар таҳлили асосида олинган илмий натижаларнинг жаҳон миқёсидаги эътирофига эришиш»² тарихчилар олдида турган асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган эди.

ЎЗР ФА Тарих институти мазкур қарорни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси»ни ишлаб чиқди ва бу йўналишда фундаментал тадқиқот ишларини бошлаб юборди.

2000 йил 6 апрелда Президентимиз И. А. Каримов Оқсарой қароргоҳида миллий мафкура масалалари бўйича бир гуруҳ турли соҳа мутахассислари билан бўлган йиғилишда сўзлаган нутқида миллий давлат бошқарувида аҳамиятли бўлган тарихий, гоёвий, сиёсий етук асарларни ҳам ўрганиш лозимлигини таъкидлади. Ушбу вазифани амалга оширишда Абул-Ҳасан ал-Маавардийнинг «Ал-аҳком ус-султония ва-л-вилоят-ид-диния» асарининг ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда манба сифатидаги аҳамияти беқиёсдир. Ал-Маавардийнинг мазкур асари минг йил давомида бутун ислом дунёсида давлат бошқариш масалаларида дастуруламал бўлиб келган. Ўз навбатида ўзбек давлатчилиги тараққиётига ҳам хизмат қилган.

Ал-Маавардий ҳижрий V (милодий X) асрда басралик зиёли қози оиласида дунёга келган. Унинг тўлиқ исми Али ибни Муҳаммад бинни Ҳабиб Абул-Ҳасандир (364—450 й. ҳижрий/974—1058 й. милодий). Ал-Маавардий унинг лақаби бўлиб, у атиргул суви сотувчиси бўлганлиги учун замондошлари унга шу лақабни беришган (маасув, вард-атиргул).

¹ Каримов А. И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. 1997. 237-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида//Халқ сўзи. 1998 йил 28 июль.

Ал-Маавардий ўз замонасининг машҳур кишилари Абул-Қосим Сомирий, Абул-Ҳамид Исфаҳоний ва бошқалардан таълим-тарбия олган. У усул-ул-фиқҳ, тафсир, ҳадис илмларини мукаммал ўзлаштирган⁴, ҳуқуқшунос, услубиётчи, муфассир, муҳаддис, адабиётчи, сиёсатшунос олимдир. Эътиқодда ислом дини сунний жамоасининг шофий мазҳабида бўлган.

Ал-Маавардийнинг ёзи қолдирган илмий меросини уч туркумга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Диний китоблар. Уларга «Тафсир-ул-Қуръон» (Қуръон тафсири), «Ал-Ҳовиййи-ал-Қабир» (Буюк шарҳ), «Ал-икна фий-фиқҳи аш-Шофийй» (Шофийй фиқҳи ҳақида ишончли манба), «Фил-Буюъ» (Савдо-сотик ҳақида), «Ал-Аълом ун-нубувват (Пайгамбарлик аломатлари) ва бошқалар киради.

2. Сиёсий-ижтимоий мазмундаги асарлар: «Ал-аҳком ус-султония ва-л-вилоят-уд-диния» (давлатчилик қонуни ва диний бошқарув); «Қавонини-ул-визара фи-сиёсат-ул-мулк» (вазирликлар қонуни ва давлатчилик сиёсати); «Тасхил-ун-назар ва таъжил-уз-зафар» (зафар қучиш омиллари ва эътибор қозониш соҳиллари); «Насиҳат-ул-мулк» (пошшоларга насиҳат).

3. Адабий-дугавий ҳамда ахлоқий-фалсафий китоблар: «Финнаҳвийю» (грамматика ҳақида), «Ал-амсол ва Ҳикам» (масал ва ҳикматлар); «Ал-адаб-уд-дунё ва-л-дин» (дунё ва дин одоби); «Адаб-ут-такаллум» (сўзлашув одоби)⁵ ва бошқалар.

Муаллифнинг «Ал-аҳкам ус-султония ва-л-вилоят-уд-диния» асари ўз замонасининг давлат бошқарувида етакчи йўриқнома ҳисобланиб, у ҳижрий 450 (мил. 1058) йилда Салжуқийлар давлат тепасига келган даврнинг аввалги уч йилида ёзиб тугатилган. Мазкур асар XX бобдан иборат бўлиб, унда давлат бошлигини тайинлаш ва унинг хислатлари ҳамда ҳуқуқий ҳолати, вазирликлар ҳамда вазирларни тайинлаш, белгилаш, вилоят бошлиқларини ва уларни танлаш ҳамда тайинлаш, қўшин қўмондонларини белгилаб, уларга масъулиятни юклаш, адлия ишлари, ички ва ташқи сиёсий ҳарбий ишларини бошқариш уларнинг барчасини назорат қилиб турувчи фавқулодда ваколатли вазирлик ҳамда салоҳиятли маҳкамалар тузиш, шунингдек, тафтиш-назорат ишлари, жиёятчиликка қарши кураш ва адолатли тарзда жазолаш, оилавий-иқтисодий ҳамда ижтимоий масалалар, солиқ ва ер эгаллиги, девон ишлари ва шу қабилар муфассал қилиб ёритилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ал-Маавардийнинг ушбу асари муҳаддислар, муфассирлар, муаррихлар, шарқшунослар, сиёсатдонлар ўртасида юксак даражада қадрланган ва машҳур бўлиб келган. Муайян тартибга солинган.

Бундай ҳуқуқий-сиёсий мажмуа мусулмонлар тарихида ал-Маавардийга қадар яратилмаган эди. Ушбу китоб сиёсий тушунчалар тарихида янги босқич вазиғасини ўтаб, Афлотуннинг «Жумҳурияти», Арастунинг «Сиёсатномаси, Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарларидан кейинги ўринни эгаллайди.

⁴ Алнақбар Деҳхудо. Дугатнома. Техрон. 1950. XIV жилд. 17481-бет.

⁵ Муҳий. Сархон. Одоб и ул-қози. Бағдод. 1970. 58-бет.

Асарнинг биринчи боби «Давлат бошлиғини тайинлаш ва унинг ҳуқуқий ҳолати» деб номланиб, у қуйидаги қисмларга бўлинади:

Давлат бошлиғининг тайинланиш мақоми;

Давлат бошлиғи номзодлигига тавсия этилувчи шахслар;

Давлат бошлиғидан талаб этиладиган вазифалар;

Давлат бошлиғининг сифатлари;

Давлат бошлиғини сайлаш усуллари

Бир давлатда икки подшоҳнинг иш юритиши мумкин эмаслиги ҳақида;

Давлат бошлиғининг сайланишидаги зиддиятли ҳолатларда қуръа ташлаш;

Валиаҳд (мутлоқ номзод, мерос) усули билан давлат бошлиғини тайинлаш;

Мутлоқ номзод тайинлаш шартлари ва баъзи махсус талаблар;

Биттадан ортиқ валиаҳд мавжуд бўлганда навбат билан тайинлаш;

Давлат бошлиғига бўйсунуш ва унинг мажбуриятлари;

Шахсий нуқсонли ҳолатларда давлат бошлиғи бўлиш шартлари ва давлат бошлиғининг ногирон бўлган вазиятида муаммонинг ечими,

Давлат бошлиғининг салоҳиятлилиги ва қобилиятизлиги;

Давлат бошлиғининг махфий иш юритувчилари ва бошқалар ёри-тиб берилган. Булар ҳақида кейинги ишларимизда батафсилроқ маълумотлар берамиз. Бу ўринда эса «Давлат бошлиғини тайинлаш мақоми» дея ном олган бўлимнинг диққатга сазовор баъзи жиҳатларини ёритишга ҳаракат қиламиз. Жумладан, давлат бошлиғи вазифасини юритувчи шахс жами мусулмон жамиятининг (ўз давлати фуқаросининг) ижмоъ (яқдиллиги) кафолатига эга бўлиши керак.

Ал-Асом каби олимлар ижмога қўшилмаган. Давлат бошлиғига бўйсиниш ақл тақозосига кўрами ёки диний буйруққа биноанми? — деган зиддиятли муаммо бўйича турли хил нуқтан-назарлар бўлган. Давлат бошлиғига ишониш ва бўйсунуш ақлан вожиб бўлишлиги тарафдорлари қуйидагича фикр юритишган:

— давлат бошлиғига бўйсунуш халқни ҳар хил зулм, ёмон ишлардан, парокандаликлардан, бошбошдоқликлардан, фавқулодда ҳар хил ғоявий-сиёсий курашлардан, иқтисодий бўҳронлардан, жоҳилона, тажовузкорликлардан асрайди, айни чоқда ушбу халқни бу каби ҳоллардан узоқлаштиради;

— давлат бошлиғи, жамиятдаги тарафкашлар орасини ислоҳ этиб, ҳар хил низооларни бартараф этгувчидир. Буларнинг барчаси эса, ақл билан англаш мумкин бўлган жиҳатлардандир. Давлатнинг одил ва оқил бошқарувчиси бўлмаса халқ харобот келтирувчи алғов-далғовлар, жаҳолатпарастлик, ақидапарастлик, мустабид тузум ичра ҳар томонлама инқирозга маҳкум ҳаёт кечириди. Исломдан олдинги давр араб шоирларидан бири ал-Афвойи Адий ўз шеърда: «нодон одамлар давлат тепасига келганда, инсонлар... хурсандчиликда, роҳат-фароғатда, тинч-фаровон, осойишта, хотиржамликда ҳаёт кечири олмайдилар»⁶ — дейди.

⁶ Ал-Маавардий. Ал-аҳком ус-султония ва-л-вилоят-уд-диния. Байрут, 1970. 2-бет.

Диннинг давлат бошлиғига бўйсунishi лозимлигини тақозо этадиган сабаблари:

— диннинг давлат бошлиғига итоат этиши вожиб. Диний ишлар иттифоқликда, ақл йўли билан давлат бошлиғининг дунёвий ва ҳуқуқий ишларни юритиши билан зид келмаслиги лозим. Фақатгина ақлан асосли тамойиллар диний ва дунёвий қонувларнинг боғлиқлигини таъминлайди. Ёлғиз ақл билангина ҳар бир шахснинг ёмон томонларини несләҳ қилиш мумкин.

Ақл адолатни ёритувчи куч бўлиб, ижобий ҳаракат ва фикрларни тақозо этади, фақат шуни маъқул кўради.

Ақлли инсон бошқа шахсларнинг ишини адолат тарозиси билан ўлчар ва тadbир этар экан, ақлсиз кишилар бошқаларнинг тажрибаларидан фойдаланмайдилар. Ваҳолонки, дин диний соҳалардаги ишларни юритувчиларга дунёга оид ишларни ҳам топшириш ва бажариш масъулиятини юклайди.

Аллоҳ таоло ҳам: «эй иймон келтирганлар, Аллоҳга итоат этинг ва пайғамбарларга ҳам итоат этинг, яна ўзларингиздан бўлган подшоҳларга ҳам итоат этинглар»⁷, дейди. Шу ояти каримга мувофиқ ўзимиздан бўлган иш юритувчи ваколати ва ҳуқуқига эга бўлган давлат бошлиқларига ҳамда бошқа мансабдорларга шак-шубҳасиз бўйсунмоқлик бизга фарз этилгандир.

Ҳишам бини Урво, Абу Солиҳдан, у эса Абу Ҳурайрадан Пайғамбар (с. а. в.) айтган сўзларини нақл этиб, ривоят қиладилар: «Мендан сўнгра бир қанча давлат бошлиқлари сизларни бошқарадурлар. Яхшилар, яхшиликлари ёмонлар эмас, ёмонликлари ила сизларни бошқарадурлар. Ҳаққа уйғун бўлган ҳар бир ҳусусда уларга итоат қилинг, қулоқ солинг. Яхшилик қилсалар, бу сизлар учун ҳамда ўзлари учун фойдалидур. Агарда ёмонлик қилсалар, сизларнинг фойдаларингизга, ўзларининг зарарига бўлғусидир»⁸.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ал-Маавардийнинг ушбу асарини ҳолисона таҳлил этиш бугунги кунда давлатчилигимиз учун фоят ибратлидир.

Қолаверса, бу асар кенг маънода давлат назарияси тарихида муайян таълимот даражасига кўтарилган етук тадқиқот бўлиб, ўзбек давлатчилигининг бутун бир ўрта асрлар минг йиллик босқинчини ҳолисона ўрганишга хизмат қилади.

Исҳоқхон Жунайдуллоҳўжа ўғли Ибрат

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ «АХСИ» ШАҲРИНИНГ ҚАДИМИЙ ТАРИХИ

Бугунги кунда тарихий илмларни ўрганишга бўлган эътибор тобора кучайиб бормоқда. Ватаним, миллатим севим ва қадрлашимда, ўз

⁷ Куръони Карим. 4-Нисо сураси. 59-оят.

⁸ Ибни Мо ж жа. Иқома. 47. Муснад Аҳмад. 4. 156-бетлар. Ал-Маавардий. Ал-аҳком ус-султония ва-л-вилоят-уд-диния. Байрут, 1970. 2-бет.

она тупроғига бўлган муҳаббатни ёш авлод қалбида мустаҳкамлашда, айниқса, Ватан, миллат, ўлка тарихига оид илмларнинг ўрни беқиёсдир. Бу борада тарихчи олим Исҳоқхон Жунайдуллохўжа ўғли Иброт (1862—1937)нинг илмий-ижодий филоляти таҳсинга сазовор. Жумладан, унинг «Фарғона областидаги «Ахси» шаҳрининг қадимий тарихи» номли мақоласи фикримизнинг далилидир. Мазкур мақола Исҳоқхон томонидан 1913 йил «Туркистон вилоятининг газити»да эълон қилинган бўлиб, Тошкент археология жамияти томонидан уюштирилган «Ахси шаҳрининг қадимий тарихи»га оид мунозаралар учун тавсия қилинган.

У. Долимов «И. Иброт» номли рисоласида И. Ибротнинг Ахси шаҳри тарихига оид мақоласи цикл-мақолалар тўплами эканлигини таъкидлаган. Бироқ, бугунги кунда ушбу мақоланинг биринчи қисмигина сақланиб қолган, рўзноманинг бошқа сонлари эса йўқолган. Ушбу мақоласида И. Иброт Ёқут Ҳамавийнинг «Қомус-ул-Аълом», ҳамда З. М. Бобурнинг «Бобурнома» асарларидан фойдаланган. Унда Ахси шаҳрининг қадимий тарихи, Бобурхон ҳукмронлиги даврида Ахси шаҳри тарихи, жойлашувига оид қимматли факт ва маълумотлар беради. Шунингдек, тарихчи олим сифатида Ахсикент шаҳрининг ўзи яшаб турган давридаги тарихи билан қизиқиб, у ерда яшаб турган аҳоли ва уларнинг турмуш тарзи ҳақида қизиқарли фактлар келтиради. И. Иброт томонидан келтирилган ушбу маълумотлар нафақат Ахси шаҳри қадимий тарихини ёритиб беришда, балки бугунги кунда ўз қаддини тиклаб бораётган ёш шаҳар Тўрақўрғоннинг ўтмиш давр тарихини ўрганишда ҳам аҳамиятга молик. Шу нуқтаи назардан ҳам ушбу мақолани тўлиқлигича эълон этишга жазм қилдик.

К. А. Воҳидова

Фарғона областида қадимги замонларда пойтахт бўлиб турган Ахси ёки Ахсикат дегон катта шаҳар бўлган экан. Бўл кунларда мазкур шаҳарнинг ўрни ва асорати¹ яхши маълумдур. Чунончи, Намонгон уездига тобиъ² ҳудди Намонгон шаҳридин ўн беш чақирим масофада Ахси булустида дарё лабида бир неча қишлоқдин иборатдур. Бул хусусда тарих китоблардин мазкур Ахсикат хусусида хабар олиб тарих учун бирор рисола тасниф³ қилмоқ лозимдир. Яъни ул шаҳар қайси вақтда аввал мартаба бини бўлмигон ва қайси хон ва беклар ул шаҳарда ҳукумат қилгон ва фуқароларининг маишати қаю тарикада бўлгон ва ҳам қаю вақтда нима сабаблар ила ул шаҳар вайрон ва хароб бўлгон ва нима учун ул жойда ҳеч ким туролмагон. Пикилгон девор ва иморати асорати ер остига кўмилиб қолгондирму деб—бул муддао бирла газит ўқуғувчи зотлардин илтимос қиламиз—

¹ Асорат — қолдиқ (иморат қолдиғи).

² Тобиъ — қарам, қарамлик.

³ Тасниф — ёзма.

ки, ҳар кимнинг қўлида ҳар хил тарих китоб бўлиб, ул китобларида Аҳси шаҳри хусусида хоҳ қисқа ва хоҳ муфассал хабарлар бўлса биз газит муаллифига (мақола муаллифига демоқчи) ёзиб юбориб бизни хурсанд қилсалар, ва лекин мазкур хабарлар бул тариқа ёзилса. Чунончи, Аҳси, бир узун махфий ном, қасаба⁴, ноҳия, ҳамда саҳифа.

Аҳсикат Мовароуннаҳрда Сайхунининг соҳили шарқийсида бир қасаба эрди. Аҳсикат Мовароуннаҳрда Фарғона доҳилида бир қасаба ўлиб Сир ила муҳит қилғонликини Еқут Ҳамавий зикр⁵ қилур, ҳозир на ҳолда эконлигига доир маълумотга даст-рост бўлинмади (Қомус-ул-аълом. 704-саҳифа).

Сайхун дарёсининг шимол тарафидаги қасабаларнинг бири Аҳсидур. Китобларда Аҳсикат битурлар, чунким, Асириддин шоирни Асириддин Аҳсикатий дерлар, Фарғонада Андижондин сўнгра мундуи улуғроқ қасаба йўқдур. Андижондин ғарб тарафида тўққиз тош йўлдур. Умар Шайх Мирзо муни пойтахт қилиб эрди. Сайхун дарёси кўрғонни остидин оқадир. Кўрғони баланд жар устида воқе бўлубдур. Ҳандақининг ўрнига чуқур жарлар бордур.

Умар Шайх Мирзо муни пойтахт қилди, бир икки мартаба ташқариқроқдан яна жарлар солди. Фарғонада бунча берк кўрғон йўқдур. Маҳаллоти кўрғондин бир шаърий йироқроқ тушибдур (Дехгожову дарахтон гужо, қишлоқ қайда-ю, дарахтлар қайда) масалини ғолибо Аҳси учун айтибдурлар. Қовуни яхши бўлур. Бир нав қовуни бордурким «Мир — Темурий» дерлар, андог қовун маълум эмаским бўлгай. Бухоро қовуни машҳурдир, Самарқандин олгон маҳалда Аҳсидин, Бухородин қовун келтуруб, бир мажлисда кестурдим, Аҳси қовунининг яхшилиқда ҳеч нисбати йўқ эрди. Ови қуши бисёр⁶ бўлур. Сайхун дарёсининг Аҳси тарафи даштдур кийиклари бисёр бўлур. Андижон тарафи чангалдур. Буғу-марал, қирғовул, қуён кўп топилур, семиз бўлур. Аҳсининг шимолида Косон қасабаси бўлиб, кичикроқ қасабадур. Аҳсининг суви Косондин келур...

«Аҳсининг кўрғони баланд, жар устида воқеъ бўлибдур. Иморатлари ҳам жар ёқасида эрди. Ушбу тарихда, яъни 899 чи ҳижрийда душанба куни ва мезон ойини тўртида Умар Шайх Мирзо жардин кабутар мисллик учиб вафот қилди. 39 яшар эрди ва таваллуди 860 чиди Самарқандда эди. Султон Абу Сайид Мирзонинг 4 чи ўғли эрди. Султон Абу Сайид Султон Муҳаммад Мирзо ўғли, Султон Муҳаммад Мирзо ул Мирзо Мирон шоҳ ўғли, Мирзо Мирон шоҳ Амур Темур ўғли. Умар Шайх Мирзонинг қабри алҳол Аҳсидадур. Умар Шайх Мирзодин уч ўғли беш қиз қолуб эрди. Ўғлонларининг улуғи мен Захриддин Муҳаммад Бобур эдим. Менинг онам Қутлуг Нигор хоним Юнусхон қизи эрди» — деб.

Бу иборалар «Бобурнома»да худди Бобурхон сўзларидур. Яна Бобурноманинг 29 чи ва 40 саҳифаларида ёзадурким, «Бир икки кундин кейин Қандирлик довоини ила Аҳси ва Андижонга азимат қилдим,

⁴ Қасаба — катта қишлоқ, шаҳарча.

⁵ Зикр — эслатилоқ.

⁶ Бисёр — пайдо бўлган, қурилган.

Ахсиға етиб отамнинг мазорини тавоф қилдим. Ахсинин намози жумъа вақтида чиқиб Банди-Салор йўли ила Андижонга кирдим» — деб. Тарихи Рашидийда ёзилганга қараганда Ахси шаҳрининг аввали биноси мўғул хонлари тарафидин бўлиб 890 чи—900 чи ҳижрий тарихида Амур Темур авлодларидин Умар Шайх Мирзо ва Шайбонийхон авлодларидин Жонибекхонга Ахси шаҳри бир неча вақт пойтахт бўлиб, бу шаҳарда ҳукмронлик қилгон эканалар. Ушбу асрларда Ахси шаҳри ғоятда ободонликда экан. Кўп замонлар Кашфир вилоятида ҳукмронлик қилгон мўғул хонларидин Султон Абу Сайидхон ҳам тарихи ҳижрийнинг 918 чи саналарида Ахси ва Андижонда бир неча вақт ҳукмронлик қилиб Ибодуллахон ўзбек Самарқанд ва Бухоро ва Фарғонага истило қилгондан кейин Султон Абу Сайидхон кўп аскар ила Кашфирга бориб тамом тоабад Кашфирни олиб 939 чи йилгача ҳукмронлик қилубдур.

Ахси Мовароуннаҳрда Жайхуннинг соҳил шарқисид вақъе бир шаҳар эрди. Ахсикат Мовароуннаҳрда Фарғона хатсий⁷ доҳилида бир шаҳар бўлиб, Сир ила муҳит ва боғ ва боғчалари кўп эрди. Ул ердан кўп машоҳири⁸ — уламо⁹ зоҳир¹⁰ эттукини Еқут Хамавий зикр эдиюр. Эмдиги вақт на ҳолда бўлдиғина доир маълумот йўқдур. Ахси тарихини Еқут Хамавий китобида батафсил ёзгандур. Алҳол Ахси шаҳри ўрнида Ахси, Жанжал, Найманча, Шоҳидон, Хўжанд, Қозоқовул, Қўшқайрағоч, Бордимкўл, Чорбоғ, Гулқишлоқ, Бурамаут, Мозори кўҳна, Шаҳанд дегон қишлоқлар бордур. Каттакўрғон ва Аркни асорати мавжуддир.

Тарихи эски Ахси мунаққаҳ¹¹ рисола ҳазрати Лангарбобо азиздин шул тариқа ёзилибдур. Ахсикантин аввали биносини Эрон подшоҳи Нўширвон Одил бино қилгон экон. 521 чи тарихи милодийда Нўширвон ўғли Хурмиз подшоҳ Ахсини неча вақт пойтахт қилиб, онда ҳукумат сруб, сўнгра 1433 милодийда Сирдарё катта тошган вақтида бир зил-зила бўлиб дарёни суви Ахсини биёбонига чиқиб кетгон экон. Анда бузилиб хароб бўлган экон, аммоки, аввалги ободонлиғида иморатлари 2—3 қабат ғиштин бинолар бўлиб, шаҳар интиҳоси Косонгача бўлиб Косон ила Ахси ўртаси қирқ чақиримлик йўл ҳаммаси иморат, бозор бўлгон экон. Хаттоки, бир эчки Ахси томида юрмак бўлса, то Косонгача борур экон. Том устида юриб ҳаммомлар, мадрасалар, саройлар, ер тағидин юрадургон салқин ерлари кўб. Таажублик нимарсалар ҳозир ҳам кўриниб турадур. Ҳозирда Ахси икки ерда бўлиб, бирин эски Ахси, бирини янги Ахси дерлар. Яъни, янги Ахси эски Ахси бузулгондин сўнг қолгон одамлар дарёдин қочиб Косон тарафида баландлик биёбонга иморатлар қилиб кўб қишлоқ бўлгонлар. Ҳозир янги Ахсида ўн-икки қишлоқ Шаҳанд дегон бозорлик бир қишлоқ ила бир бўлуёт бўлгон, аммо, эски Ахси кўҳна, ...одамлар оғзи-

⁷ Хатсий — чегара, чизиқ.

⁸ Машоҳир — машҳурнинг кўпчилиги.

⁹ Машоҳири уламо — уламонинг машҳурлиги.

¹⁰ Зоҳир — кўриниш.

¹¹ Мунаққаҳ — тўғрилланган.

даги сўзлари кўб ажойиб ва гаройиб сўз сўздайдурлар. Аларни олмай мунаққаҳдин ёзилди. Эски Ахсини ёзилгон тарихи 1030 чи милодийда бўлгон экон. Ондин буён мазкур Ахсини ҳеч подшоҳлардин ёки фуқаролардин обод қилгон йўқ. Деҳқонлар ва ўтинчилар ҳар имарса топуб олурлар. Чунончи, мис асбоблар ва иишалар, ҳар хил тошлар чиқадур. Кўп ерлари дарёга кетгондур. Ал ҳолда ҳам иморатларга қоширий¹² гиштларин ондин олурлар.

¹² Коширий — нақшли.

Этнология масалалари

Г. Зуннунова

ИЗ ИСТОРИИ УЗБЕКСКИХ ТРАДИЦИЙ

(знаковая роль предметов материальной культуры)

Распад бывшего союзного государства и обретение Узбекистаном независимости, а также происходящие ныне глубокие социально-экономические и политико-правовые преобразования ставят перед наукой принципиально новые проблемы. Одна из них — осмысление путей национального возрождения Узбекистана.

Глубокое изучение культуры бытия народов, ее отражение в повседневных занятиях, обычаях и обрядах приобретают сегодня важное значение.

За годы тоталитаризма традиционное общество в Узбекистане не было полностью разрушено, а следовательно, традиционные ценности и институты продолжают играть здесь существенную роль.

Сохранился и сегодня получает новую жизнь такой институт традиционного общества, как махалля. Жизнь здесь всегда была обставлена различными обрядами и обычаями, в которых, как известно, весьма важную роль играют предметные символы. В связи с этим мы бы хотели обратить внимание на ритуальные функции предметов материальной культуры.

Материальная культура в этнографии изучается, как правило, по сложившимся определенным принципам, которые не распространяются на «духовную» сторону этих явлений. Между тем получить целостное представление о функционировании предметов культуры невозможно без изучения их места в картине мира, без учета того содержания, которое в них вкладывается.

Предмет становится фактом культуры только в том случае, если он соответствует как практическим, так и символическим требованиям. В этой связи нельзя не согласиться с французским этнографом А. Леруа-Гураном, который писал, что лишь с приданием жилищу символического значения можно говорить о нем как о специфически человеческой форме освоения пространства (в отличие от «периметра безопасности», который есть у животных)¹. И действительно, например, традиционный дом узбеков в Ташкенте строился окнами во внутрь двора, а его торцевая сторона должна была быть направлена в сторону Мекки (запад — место захоронения пророка).

Культура традиционного общества тем и примечательна, что любая вещь материальной культуры может служить одновременно и утилитарным, и символическим целям.

¹ Leroi-Gourhan A. Le geste et la parole. T. 2. Paris, 1965. S. 139.

Символ, переплетение символов являются богатым источником для познания не только социальных процессов в обществе, но и для изучения стереотипов мышления, т. е. менталитета изучаемого народа. Наконец, только исследовав символические значения предметов, мы можем говорить об этнических особенностях культуры носителей традиций.

Тема ритуальных функций предметов материальной культуры освещалась в работах Д. К. Зеленина, Е. Г. Кагарова, П. С. Богатырева, А. К. Байбурина, Н. И. Толстого, Л. Л. Топоркова и др. Этой же теме посвящены монографии зарубежных этнологов Дж. Фрэзера, В. Тэрнера, К. Левин-Строса и др. В нашей узбекской научной литературе тема символических значений предметов культуры в теоретическом плане мало изучена, но в работах К. Ш. Шаниязова, М. Бикжановой, М. Рузиевой, а также в трудах русских этнографов, таких, как О. А. Сухарева, Н. П. Лобачева и других, можно почерпнуть богатый материал, связанный со знаковой ролью предметов материальной культуры.

Объектом исследования были выбраны махаллы г. Ташкента, поскольку, как нам представляется, их можно считать микромоделлю традиционного общества. Для общества, ориентированного на традиционные формы регуляции, в частности такие, как ритуалы и обычаи, действующие нормы и правила считаются унаследованными от предков и потому имеют общепринятый характер для любого члена общины. Религиозное сознание традиционного общества было неотделимо от веры в существование сверхъестественных сил. Среди узбеков махаллы и сегодня еще живы те народные традиции, которые передавались из поколения в поколение, и потому предмет материальной культуры носителями традиций обычно наделялся символическим значением в повседневной жизни, или когда он включался ими в обрядовую сферу.

Попытаемся проанализировать знаковую роль вещей — символов в духовной жизни узбеков.

Предметы материальной культуры, включаясь в обряд или ритуал, выполняют широкий спектр функций. Рассмотрим некоторые из них.

Язык вещей использовался и используется, главным образом, для выражения тех идей, понятий, ценностей, которые трудно выразить на других языках, в том числе и с помощью слов. К числу таких «невыразимых» идей относятся понятия, в которых сконцентрированы представления о судьбе, благополучии, идеологии, появлении потомства. Все они с помощью предметных символов получают осязаемую форму. Их можно потрогать руками, установить контроль над ними. Эту функцию вещей в ритуале В. Тэрнер назвал «проявлением»².

Рассмотрим ее на примере обряда, посвященного «святой Биби-мушкулкушод» (госпожа разрешительница затруднений). В день проведения данного обряда собираются женщины во главе с «отин ойи», фигура которой является весьма важной, так как при проведении это-

² Turner V. W. *Revelation and Divination in Ndembu Ritual*. London, 1975. P. 15.

го обряда она читает суры из Корана, посвященные «Биби-мушкулькушод». Обычно его проводят в семье, которая испытывает какие-либо затруднения. Смысл этого обряда заключается в том, чтобы облегчить существующее положение вещей. Обязательной принадлежностью «дастархана» (угощения) во время «мушкулькушода» является черный сухой виноград (кишмиш). Во время чтения молитвы женщины очищают кишмиш от хвостиков и заворачивают их в вату с тем, чтобы опустить в реку или арык, течение которых направлено на восток³. Уплывающие хвостики сухого винограда символизируют «зло». Река в данном случае выступает в роли «добра». «Зло» должно уплыть в противоположную от Мекки (запад) сторону. У узбеков Кашкадарьи хвостики винограда относят на мельницу и бросают в муку. В данном случае символом «добра» является мука, в которой «зло» как бы должно раствориться. После проведения этого обряда, согласно народному поверью, открывался путь к решению возникших проблем.

Среди узбеков Ташкента бытует и такой ритуал: в среду готовят пельмени и раздают соседям. По поверью, узлы сплетенных пельменей означают трудности, неприятности, возникшие в семье. Символическим считается «развязать» этот узел. После проведения данного ритуала неприятности должны кануть в прошлое⁴.

С точки зрения науки XX столетия может показаться странным, что эти ритуалы и задействованные в них символы могут как-то повлиять на ход событий. Однако на психологическом уровне роль символов и знаков оказывает значительный психотерапевтический эффект, что отмечается многими исследователями.

Другая и наиболее известная функция вещей в ритуале — это инструмент соединения двух миров.

Для традиционной культуры фундаментальным является деление мира на «свой», человеческий, и «чужой», в котором сконцентрированы неконтролируемые обычными средствами силы (боги, духи предков и т. д.). Функция вещей-символов состоит в том, что с их помощью как бы «перекрываются», «блокируются» говоря словами А. К. Байбурина, капалы связи между «своим» и «чужим» мирами⁵. Именно в этой функции выступают так называемые обереги, с помощью которых устанавливается символическая граница между людьми и силами внешнего мира. Тем самым связь между этими сферами приобретает регламентированный характер и появляется возможность его контроля со стороны человека. Например, местное население считает, что своеобразной защитной энергией обладает рубашечка-сорокадневка («чилла куйнак») для поворожденного, которая является оберегом.

Прежде чем говорить о символическом значении «чилла куйнак», хотелось бы остановиться на термине «чилла», который имеет несколько значений. В религиозной сфере «чилла» — это сорокадневный пе-

³ Полевые записи. Имамалиева Ортик, 1888 г. р. Махалля «Куштут».

⁴ Полевые записи. Султонова Мубархон, 1917 г. р. Махалля «Занги-ота».

⁵ Байбурин А. К. Семантические аспекты функционирования вещей/Этнографическое изучение знаковых средств культуры. Л., 1989. С. 86.

риод уединенного сидения верующего в специальном помещении при мазаре с целью благочестивых размышлений, молитв, поста. В календарной сфере термином «чилла» обозначали отрезки в сорок самых холодных и жарких дней года, связанных с периодами зимнего и летнего солнцестояния. Этот термин применяется и в семейной обрядности. Известно, что после бракосочетания, рождения ребенка или смерти человека в семье в течение нескольких дней (чаще всего сорока: «чилла» от таджикского «чил» — «сорок»), проводятся определенные обряды.

«Чилла куйнак» как правило шили из светлой ткани, оставшейся от стариков. Верили, что ребенок доживет до их лет. Здесь можно говорить о своеобразной мифологеме старости, о которой упоминает А. Л. Топорков⁶. Находясь на пути между жизнью и смертью, старая вещь подобна умирающему, который еще находится среди живых, но уже видит мертвых и разговаривает с ними. Это положение делает старые вещи особенно пригодными для обрядов.

В этнографических экспедициях по махалля г. Ташкента был зафиксирован интересный материал о «чилла куйнак». Считается, что если ребенок в дни сорокадневья болеет и не набирает в весе, то рубашечку новорожденного следует наполнить сухими зернами пшеницы и опустить в реку или любой другой водоем, по мере набухания зерен ребенок должен поправиться⁷. В этом ритуале зерна пшеницы, вероятно, являются символом ребенка. Данный обряд можно объяснить законом подобия, который описан Д. Фрэзером. Если в период «чилла» ребенок умирает, то рубашечку выбрасывают.

Такую рубашечку нельзя было надевать на ребенка после сорока дней, так как считалось, что это может принести вред («чилла босади»). Г. П. Снесарев, толкуя термин «чилла», отмечает, что в народных поверьях «чилла» выступает синонимом какого-то вредного свойства. Некоторые информаторы отмечают, что рубашечку-сорокадневку снимали с ребенка и прикладывали к собаке, после чего убирали до рождения следующего. Прикладывание к собаке было ритуалом очищения рубашечки от влияния «нечистой силы». Это народное поверье было видимо, связано с учением зороастризма, согласно которому собака была наделена свойством борьбы против «злых духов».

Р. Я. Рассудова, анализируя обряды Ферганской долины, по отношению к рубашечке новорожденного приводит термин «ит куйнак»⁸.

Функциями оберега наделялись также различные украшения («кузмунчок» и др.) и головные уборы (тюбетейка, платок). Обычай скрывать волосы уходит корнями в доисламские верования. Представление о том, что человека можно околдовать с помощью прядей волос, распространено едва ли не по всему миру. Это суеверие английский

⁶ Топорков А. Л. Символика и ритуальные функции предметов материальной культуры // Этнографическое изучение знаковых средств культуры. Л., 1989. С. 97.

⁷ Полевые записи. Имамалиева Ортик.

⁸ Рассудова Р. Я. Сравнительная характеристика // Одежда народов Средней Азии и Казахстана. М., 1989.

этнолог Дж. Фрэзер объясняет законом контакта⁹. О вере в магическую силу волос писали этнографы О. А. Сухарева, К. Ш. Шаниязов, Н. И. Гоген-Торн и др.¹⁰

Закрыванию волос придавалось особое значение еще и потому, что им принадлежала, по поверью народов, магическая функция, восходящая к представлению о связи волос с силами плодородия. Этим объясняется покрывание волос тюрбеткой или платком с тем, чтобы предотвратить возможность дурного воздействия через волосы на женщину — продолжательницу рода.

Кроме функций оберега символические предметы отражали принадлежность к той или иной социальной группе людей. Знаки, символы использовались также для передачи информации о переходе людей из одной социальной группы в другую, указывали на половозрастные отличия. Особенно ярко это иллюстрируют украшения и одежда, характерные для начала XX столетия. Например, женщины-узбечки, принадлежавшие к знатному роду, на концы заплетенных кос вешали украшения «чоч попик». Символом перехода женщины из одной социальной группы в другую являлось также изменение формы одежды после бракосочетания.

Так, если девичье платье было с воротником, застегивающимся у шеи, то женское платье не застегивалось и чуть приоткрывало грудь. После рождения ребенка женщина-узбечка надевала платье более широкого покроя с завязками на груди.

Интересные примеры включает в себя и пищевая символика.

А. К. Байбури стмечает, что совместная ритуальная еда — один из способов утверждения существующих социальных отношений, а пищевой символизм является частным случаем социального символизма. Любая совместная трапеза это одновременно действие с определенным знаковым содержанием¹¹. Например, в Ташкенте при проведении предсвадебного обряда «фотиха» важное, решающее значение имеет хлеб (нон). Во время благословения жениха и невесты он выступает символом их соединения. В знак согласия на брак сваты разламывают лепешки и раздают гостям, сидящим за столом.

У ташкентских узбеков жених на свадебном пиру пробует плов из большого блюда (лаган) и оставляет этот плов для невесты с подругами, которые его доедают. Вторым блюдом с пловом жених угощает неженатых друзей. В данном случае значение пищевого символа можно объяснить законом контакта, о котором пишет Дж. Фрэзер. Плов после контакта с женихом приобретает как бы особую энергетику, которая способна передаваться другим людям, символично открывая путь к переходу несемейных подруг и друзей будущей семейной пары в другую социальную группу.

⁹ Фрэзер Д. Золотая ветвь М., 1986. С. 20.

¹⁰ Лобачева Н. П. К истории паранджи // ЭО. 1998. № 6. С. 88—89; Гоген-Торн Н. И. Магическое значение волос и головного убора // СЭ. 1933. № 5—6. С. 87.

¹¹ Байбури А. К. Жилище в обрядах и представлениях восточных славян. Л., 1983. С. 117.

Интересный материал о знаковой роли пищевых продуктов мы находим у К. Ш. Шаниязова. В работе «Узбеки-карлуки» он отмечает, что если у узбеков-карлуков родители невесты оставались довольными стараниями родственников жениха, то мазали им губы мукой, а если нет — золой¹².

Богатый материал для выявления этнической специфики культуры содержат знаковые системы, условно именуемые как «язык цветов». Те или иные цвета имеют определенное политическое, культовое, бытовое или иное значение. Цвет, его символ несут на себе отпечаток местных традиций и на разных этнических и региональных уровнях могут получать дополнительный смысл, далеко не всегда улавливаемый людьми, принадлежащими к другим этнокультурным традициям.

Как утверждает В. Тэрнер, цвет отражает опыт социальных отношений. Так, белый ассоциируется с союзом мужчины и женщины, со связью матери и ребенка, черный — переход из одного социального статуса в другой и рассматривается им как магическая смерть¹³.

Классификация цветов В. Тэнера отчасти приемлема в этнокультурной среде узбеков Ташкента. Например, свадебная одежда невесты белого цвета, а траурный костюм узбеков Ташкента — темно-синего.

Цвет является своеобразным знаком, символом и при покрытии похоронных носилок «тобут» тканью различных цветов в зависимости от возраста и пола умершего.

Роль знаков значительно возрастает, когда человек переживает какую-либо психологическую драму, например, смерть близкого человека, разлуку, болезнь. В таких случаях он становится «супернатурным», начиная придавать особое значение знакам или символам. К. Леви-Строс отмечает, что в магическом поведении человека следует усматривать реакцию на ситуацию, которая воспринимается сознанием аффективно¹⁴. Поэтому правомерно говорить об эмоционально-психологической стороне символов и знаков, включенных в ритуал. Не случайно этнологи и психологи связывают возникновение ритуализации с реакцией на ситуацию неопределенности, порождающую страх, тревогу, неуверенность¹⁵. В ритуалах снимается эмоциональное напряжение.

Все критические моменты в жизни человека, живущего в махалле, обставлены обрядами, в которых символам и знакам придается большое значение. Например, существует предубеждение против завязывания узлов на одежде при родах, бракосочетании, погребении. Аналогии с такими узбекскими обычаями мы находим и у народов африканских стран.

С течением времени многие узбекские обряды и ритуалы искажались, обрастая новыми элементами, или вообще стирались из памяти народа, в связи с чем символическая значимость предметов материальной культуры, их цвета теряли свою первоначальную смысловую на-

¹² Шаниязов К. Ш. Узбеки-карлуки. Ташкент, 1964. С. 148.

¹³ Тэрнер В. Символ и ритуал. М., 1983. С. 101.

¹⁴ Леви-Строс К. Структурная антропология. М., 1985. С. 162.

¹⁵ Там же. С. 148.

грузку. Например, сегодня среди узбечек наряду с традиционным традиционным костюмом бытует темное платье европейского фасона, которое может быть надето и по поводу радостных событий.

Подводя итог, можно сказать, что в контексте ритуала каждый вещевой символ означает нечто иное и нечто большее, чем они есть сами по себе. Роль знаков возрастает в те периоды жизни, когда человек переживает какую-то психологическую драму. Корни языка символов и знаков большей частью уходят в доисламские верования. Анализ материалов, собранных в махалля г. Ташкента, подтверждает это. Смысл вещей-символов объясняется носителями культуры, исходя из исламской религии и доисламских верований. Такое переплетение в научной литературе называется «религиозно-магическим синкретизмом»¹⁶.

Таким образом, можно утверждать, что местное население воспринимает народные поверья как часть исламской веры, истории узбекских народных традиций.

¹⁶ Богатырев П. Г. Вопросы теории народного искусства. М., 1971. С. 198.

Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

СЕМИНАР «ТАРИХ ФАНИ ВА ИСЛОМ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНДИ

Академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг 8-йиғилиши «Тарих фани ва ислом маънавий мероси» мавзусига бағишланди.

Бу анжуман Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳамда Бобур номидаги Андижон Давлат университети олимлари ҳамкорлигида тайёрланди ва ўтказилди. (Андижон 2000 йил 23 июнь).

Мазкур анжуманда республикаимизнинг етакчи тарихчи олимлари, олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Илмий семинарни Андижон вилояти ҳокимининг муовини Р. Тиллабоев ва Андижон Давлат университетининг ректори С. Зайнобиддинов табрик сўзлари билан очди.

Семинар ишига ЎзР ФА Тарих институти директори т. ф. д. Д. Алимова раислик қилди.

Тарихимиз маданиятимизнинг салмоқли қисми ислом дини билан боғлиқлиги маълум. Республика Президенти И. А. Каримов таъкидлаганларидек, «Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча заминлардан оша безавол яшаб келаяпти, деб сўрашса, бу аввало муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим. Шу заминда ўтган неча-неча авлодлар диний эътиқодни юракда сақла-маса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмаса, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий—руҳий меросдан маҳрум бўлиб қолардик»¹. Президентимизнинг бу хулосалари семинар иши мазмуни ва мақсадини белгиллаб берди.

Семинарда филология фанлари доктори З. М. Исломов (Ислом университети) «Ислом манбашунослари илмий мероси ва унинг ҳозирги даврдаги аҳамияти» тарих фанлари доктори Э. Э. Каримов (ЎзР ФА Тарих институти) «Тасаввуф ҳамда ўзбек халқининг маданий, маънавий ва тарихий мероси»; тарих фанлари номзоди О. Бўриев (ЎзР ФА Шарқшунослик институти) «Темурийлар даври ёзма манбалари ва ислом маънавияти» мавзуларида чуқур илмий асосланган маърузалар билан чиқдилар.

Филология фанлари доктори З. М. Исломов «Ислом манбашунослари илмий мероси ва унинг ҳозирги давридаги аҳамияти» мавзусида-

¹ Каримов И. Доширманд халқимизнинг мустақкам продасига ишонаман// Фидокор газетаси. 2000 йил. 8 июнь.

ги маърузасида имом ал-Мотуридий ва Замаҳшарий илмий меросининг маънавий аҳамияти таҳлил қилинди.

Т. ф. д. Э. Каримовнинг «Тасаввуф ҳамда ўзбек халқининг маданий, маънавий ва тарихий мероси» мавзусидаги маърузасида тасаввуф тариқатларининг тадрижий ривожланиш босқичлари таҳлил этилди.

Филология фанлари номзоди О. Бўриевнинг «Темурийлар даври ёзма манбалари ва ислом маънавияти» мавзусидаги маърузасида мустақиллик йилларида Темурийлар даври ёзма меросини, жумладан, ислом маънавиятига, тасаввуфга оид асарларни ўрганиш имкони кенгайтирилганлиги қайд қилинди. О. Бўриев семинар иштирокчиларини тасаввуфга оид топилган асар «Мақомати Шайх Зайниддин» рисоласи, Хожа Алоуддин Аттор қаламига мансуб «Рисолаи тасаввуф» ҳақидаги янги маълумотлар билан таништирди.

Асосий маърузаларда ислом маънавий мероси мавзусини ҳозирги давр тарихий тадқиқотларидаги ўрни ва аҳамияти, ўрганиш методологияси, муаммолари ва наشرларини кенг оммага етказиш масалалари кўриб чиқилди.

Маърузалар муҳокамасида тарих фанлари докторлари Р. Г. Муқминова (ЎзР ФА Тарих институти), М. Исоқов (Шарқшунослик институти), И. Алимов (Андижон ДУ), Ш. Воҳидов (Ўзбекистон Миллий университети), Э. Ҳолиқов (Тошкент Авиация институти), З. Қутибоев (Андижон ДУ), Н. Ҳабибуллаев (Ўзбекистон Давлат Темурийлар тарихи музейи), С. Аъзамхўжаев (Ислом университети), Д. Бобожонова (Жаҳон тиллари университети), Т. Ортиқов (Андижон ДУ) ва бошқа олимлар фаол иштирок этдилар.

Муҳокама этилган мавзу юзасидан семинар қўйидаги хулосаларга келди:

1. Тарихий тадқиқотлар кейинги вақтларда манбашунослик тадқиқотлари билан тобора мустаҳкам боғланиб бормоқда. Миллий мафкура концепцияси яратилаётган ҳозирги даврда ислом маънавий меросини ҳолисона ва дунёвий, илмий асосда ўрганишга асос солинди. Бу ноёб мероснинг маънавий баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти беқийёсдир.

2. Семинар қатнашчилари, бугунги кунда ислом маънавий меросини чуқур ўрганиб, илмий хулосаларни кенг омма орасида тарғиб қилиш фоят муҳим эканлигини алоҳида таъкидладилар. Зеро, «фарзандларимиз юрагида она-Ватанга, тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур»².

3. Семинар қатнашчиларининг умумий фикрича, турли ақидалар сиёсий мақсадларни кўзловчи диний экстремистик оқимлар таъсирига имкон бермаслик учун Ўзбекистонда нафақат ислом дини, балки бошқа конфессияларнинг ҳам асосий ғоялари олимлар томонидан мукамал ўрганилиши керак. Бундай салбий таъсир ва мафкуравий тазйиқларни олдини олишнинг энг самарали воситаси — бу соҳадаги тадқиқотларни янада изчиллаштириш ва чуқурлаштириш, аждодларимиз амал

² Уша жойда.

қилиб келаётган апъанавий имоми Аъзам, ҳанафийа масҳабини тарихий моҳиятини кенг тарғиб қилишдир.

4. Семинар аҳли шуни алоҳида таъкидлайдики, ислом маънавий меросини чуқур ўрганиш учун араб, форс, қадимги туркий тилларни мукаммал биладиган, ёзма манбаларни эркин ўқий оладиган, тўғри таҳлил қила биладиган мутахассис кадрлар тайёрлаш фойда муҳимдир. Ислом маънавий мероси ҳақидаги билимларни мактаб ёшидан бошлаб шакллантириш мақсадида мактаб ўқув дастурларига «Ислом маънавий мероси» дарсини киритиш мақсадга мувофиқдир.

5. Ислом маънавий меросидан миллий истиқлол, мафкурасини шакллантириш ва такомиллаштиришда, жамиятни ва айниқса, ёш авлодни диний экстремизм, турли диний оқимлар таъсиридан сақлашда ўрнили фойдаланиш мақсадида ёзма манбалар ва уларнинг шарҳини изчил нашр қилишни йўлга қўйиш ҳам энг зарур тадбирлардан биридир.

Семинарда Ўзбекистон тарихчилар жамиятининг фаолияти ҳақида жамият раиси муовини С. Аъзамхўжаев ахборот қилди.

Семинар қатнашчилари мамнунлик билан Яҳё Гуломов номидаги «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи» республика илмий семинари тарих тадқиқотлари муаммоларини аниқлаш ва йўналтиришда ҳамда бу муаммоларни тадқиқ этишда республика олимлари ҳамкорлигини амалга оширишда ва умуман мамлакат тарихчиларини бирлаштиришда муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъкидладилар.

Ш. Асадова

Юбилей

ЗАБАРДАСТ ОЛИМ ВА УСТОЗ

Раҳима Аминова тарих фаи соҳасида ўзбек аёлларидан биринчи бўлиб фан доктори ва академик унвонларига сазовор бўлди. У ўзининг истеъдоди, камтарлиги, инсонпарварлиги ва бой билими билан Ўзбекистондагина эмас, кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонди.

Р. Аминова 1925 йилда Қўқон шаҳрида ўқитувчи оиласида дунёга келди. 1944 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг шарқшунослик факультетига ўқишга кирди. Уни 1949 йилда битиргач, ЎзР ФА Тарих институтининг аспирантурасига қабул қилинди ва 1953 йилда Ўзбекистонда Иккинчи Жаҳон урушидан кейин ирригация қурилиши тарихига бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Институтда Р. Аминова катта илмий ходим, сўнгра 35 йил мобайнида бўлим бошлиғи лавозимида ишлади, 1963 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Раҳима Ходиевнанинг ижодий фаолиятида жамоа ва давлат хўжаликлари тарихи, аграр сиёсат, пахтачилик ва умуман қишлоқларнинг тарихига оид масалалар муҳим ўрин эгаллайди. Олима Ўзбекистоннинг 1917—1940 йиллардаги тарихини акс эттирувчи жуда катта ҳажмдаги манбаларни илмий ишга жалб қилди. Р. Аминова 15 та йирик асар, жами 300 га яқин рисола ва мақолалар муаллифидир. Уларнинг орасида 1993 йилда нашр этилган: «Ўзбекистонда совхозлар тарихи (1917—1960 й.)» китоби алоҳида ўрин эгаллайди. Унда давлат хўжаликларининг фаолияти танқидий нуқтан назардан таҳлил қилиниб, уларнинг самарасизлиги кўрсатилган, бундай хўжаликларнинг кўпчилиги иқтисодий жиҳатдан қоқ ва зарарли бўлганлиги қайд қилинган. Гарчанд, асарда баҳсли фикрлар мавжуд бўлсада, лекин давлат хўжаликлари тарихига танқидий кўз билан қаралиши янгилликдир. Академик Раҳимахоним кўп жилдлик «Ўзбекистон тарихи» ва бошқа кўп йирик асарларни ёзишда ва муҳаррирлик қилишда фаол қатнашди.

Р. Аминова юқори малакали илмий ходимлар, айниқса, республика вилоятларида фан докторлари ва номзодларини тайёрлашни муҳим вазифа деб ҳисоблади. Унинг беvosита раҳбарлигида 15 докторлик ва 56 номзодлик диссертациялари ёқланди.

Олима кўп йиллар олий ўқув юртларида тарих бўйича маърузалар ўқиди, тарих фанини жаҳон миқёсида ҳам тарғиб қилди. Зеро, у тарих фанига бағишланган, хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро анжуманларда сермазмун маърузалар билан қатнашди.

Академик Раҳимахонимнинг самарали илмий фаолияти юсак баҳоланиб, у Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди.

Камини институтда Раҳимахоним билан биргаликда, ҳамкорликда салкам 50 йил ишладик. Шу вақт мобайнида у менда олийжаноб инсон, забардаст олима, меҳрибон ва талабчан мураббий ва устоз сифатида катта таассурот қолдирди.

Академик Раҳимахоним 75 ёшга тўлди. Шу муносабат билан уни фан аҳли ва жамоатчилик муборакбод этади.

Ҳамид ЗИЕЕВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

Таъзиянома

КАРИМ ШОНИЁЗОВ

2000 йил 5 октябрда Ўзбекистон фани оғир жудолikka учради. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, ўзбек элшунослиги фанига тамал тошини қўйган, «Ўзбек элшунослиги» мактабини яратган хурматли устоз — академик Карим Шониёзов оламдан кўз юмди.

Кунлардан бири кун Сукроти Ҳакимдан: «Дунёда энг яхши нарса нима?» — деб сўрабдилар.

Аллома дебди:

— Ҳунардан яхшироқ, илмдан улугроқ нарса йўқ. Шарм-ҳасдан яхшироқ безак, зеб-зийнат йўқ, бадфёёликдан ёмонроқ душман йўқ.

Ўзбек этнографиясининг отахонларидан бири бўлган Карим Шониёзов илми, хушфёъл инсон бўлиб таъиндилар, кўп йиллик мазмунли ҳаётларида ўчмас из қолдирдилар. Бу табаррук инсондан бизга яхши хотиралар, ёзган илмий ишлари, китоблари, дўст-қадрдонларига, шогирдларига қилган яхшиликлари қолди. Хурматли устоз ўзларининг илмий фаолиятлари давомида 20 дан ортиқ фан номзодлари ва докторлар тайёрладилар.

Карим Шониёзов 1924 йили Қашқадарё вилоятининг Муборак туманидаги Қорлуқ қишлоғида таваллуд топдилар. Ота-онадан эрта жудо бўлган устоз етимликнинг барча жафоларини, турмушнинг сермашаққат поғоналарини бошдан ўтказди. Лекин, ҳаёт қийинчиликлари унинг дилидаги нурли орзуларини сўндира олмади. У ҳамиша илмга чанқоқлиги билан, эл-юрт меҳри ва ватан туйғуси билан яшади. Шу боис бўлса керак, Иккинчи Жаҳон уруши бошланиши биланок 17 ёшида кўнгиллилар қаторида фронтга жўнаб кетди. Урушнинг бошидан охиригача Ленинград ва Волхов фронтларида жанговар разведкачи сифатида кўрсатган жасоратлари учун медаллар билан мукофотланди. 21 ёшда 21 та жанговар нишонга сазовор бўлади.

Урушдан сўнг Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тугаллаган К. Шониёзов 1957 йили Ленинграддаги Этнография институти аспирантурасига ўқишга кириб, 1960 йили машҳур элшунос олим Л. П. Потапов раҳбарлигида «Жанубий ва Ғарбий Ўзбекистон қорлуқлари тўғрисида тарихий этнографик очерк» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Диссертацияни ҳимоя қилгач, ўша даврдаги Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институтида катта илмий ходим, 1967 йилдан шу илмгоҳ этнография бўлимига, 1973

йилдан то 1999 йилгача «Этнология, тарихий-этнография ва этногенез тадқиқотлари» бўлимига раҳбарлик лавозимларида тадқиқотлар олиб бордилар. 1999 йилдан то умрларининг охиригача шу бўлимда етакчи илмий ходим бўлиб ишладилар.

Устоз 200 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан 10 дан ортиқ йирик монографик асарлар муаллифидир. К. Шониёзов ўзбек қомусини яратишда фаол иштирок этган эдилар. Ўзбекистон ФА Тарих институти томонидан тайёрланган кўп жилдлик «Ўзбекистон тарихи»нинг 3-жилди учун ёзилган «XVIII—XIX асрнинг биринчи ярмида ўзбек халқининг моддий ва маънавий ҳаёти» ҳамда шу китобнинг 4-жилди учун ёзилган «XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида ўзбек халқининг моддий ва маънавий ҳаёти» устоз қаламига мансубдир. Олимнинг қўллаб ишлари Москва, Санк-Петербург, Олмаота, Ереван, Нальчик, Уфа шаҳарларида чиққан тўпламларда ҳамда АҚШ, Франция ва Ҳиндистон каби мамлакатларда ҳам chop этилган.

Карим аканинг барча ишлари ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи, унга асос бўлган уруғ ва элатлар, уларнинг ўзаро муносабатлари-ю, тарихий қисматларини ўрганишга бағишланган. Олимнинг кенг тарихий маълумотлар, хусусан, Хитой содномалари, Ўрхун-Енисей битиклари, араб ва форс-тожик қўлёзма маълумотларига асосланиб яратилган «Ўзбеклар—қорлуқлар» номли китобида ўзбек халқининг сиёсий маданий ва этник жараёнида муҳим роль ўйнаган қорлуқлар этник туруҳи ва Қорлуқ давлати тарихи ёритилган. Бундан ташқари ушбу монографияда қорлуқларнинг ҳўжалиги ва ижтимоий турмуши, моддий ва маънавий маданияти, урф-одатлари билан бирга уларнинг қўшни давлатлар ва халқлар билан алоқалари ва шу кўнғача яшаб келаётган авлодлари ҳақида ҳам сўз юритилади. Асарда бугунги кўнғача қорлуқлар асос солган давлат «Қорахонийлар» давлати деб номланиши нолмланаётганлигини аслида бу давлат Қорлуқлар давлати ва Қодирийлар сулоласи, деб номланишини чуқур илмий асосда исботлаб бердилар.

«Ўзбек халқи этник тарихи ҳақида» номли монографияда эса олим ўзбек халқи этногенезида бевосита қатнашган яна бир этник компонент — қипчоқлар тўғрисида чуқур тарихий-этнографик тадқиқот олиб бордилар.

К. Шониёзовнинг «Қанғ давлати ва қанғлилар» (1991) монографиясида узоқ ўтмишда (милоддан аввалги III аср бошидан милодий V аср ўрталаригача) Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган сиёсий тузум ҳар томонлама таҳлил қилинади. Қанғ давлатининг музофотлари тарихчилар эътирофи бўйича даставвал фақат Сирдарёнинг ўрта оқими — Тошкент воҳаси ва унга туташган тоғ ва чўл минтақалари билан чегараланган, деб ҳисобланган бўлса, муаллиф милоддан олдинги II аср бошларида уларнинг ерлари бирмунча кенгайганини: Шарқда Фарғона, шимоли-шарқда — усу, юежи деб номланган қабилалари билан чегараланганлигини ва шимоли-ғарбда Қанғ давлатининг музофоти Сарнау дарёси, ғарбда эса Сирдарёгача етиб бурганини аниқлайди. Ушбу давлатнинг этник таркиби тўғрисида Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган шак қабилалари яксартлар (қанғуй, қанғарлар) Қанғ

давлатининг ташкил топишида катта ўрин тутганлигини ёритиб беради. Хуллас, бу асарда ҳам ўзбек халқининг қадимий қатламларини вужудга келишида асосий компонентлардан бири бўлган қангарлар тарихий-этнографик жиҳатдан тадқиқ қилинган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, академик К. Шониёзовнинг бу каби илмий тадқиқотлари ўзбек халқининг илк аجدодлари Амударё ва Сирдарё оралигида Мовароуннаҳрда қадимдан яшаб келган туб ерли этнослар (сугдийлар, хоразмийлар, бақтрияликлар, сак-массагетлар, тохарлар ва бошқалар) бўлганлиги ва улар ўзбек халқининг асосий қатламларини ташкил қилганлиги ёритилади. Маълумки, Сибирдан, Шарқий Туркистондан ва Дашти Қипчоқдан бир неча асрлар давомида Ўрта Осиёга келиб асосий қатламга қўшилган этнослар ҳам ўзбек элатининг шаклланиши жараёнидаги компонентлардир.

К. Шониёзовнинг бошқа бир қатор асарларида ўзбек халқининг ўтмишда ва ҳозирги вақтдаги моддий ва маънавий маданиятини тадқиқ қилишга ва ёритишга бағишлангандир.

Устоз бу фоний дунёдан рихлат қилгунларига қадар этногенез ва этник тарих назарияси билан бевосита ва билвосита машғул бўлдилар. Кейинги йилларда бетобликларига қарамай, ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихига бағишланган йирик монографик тадқиқотнинг қўлёзма нусхасини ёзиб тугалладилар. Халқимиз ўзлигини таниётган, узоқ ўтмиши, тарихи, аجدодлари таг-томирини — этногенезини билишга интилаётган ҳозирги вақтда академик К. Шониёзовнинг ушбу китоби ғоят долзарб йирик илмий асардир.

Карим Шониёзовнинг илмий тадқиқотлари олимнинг хотирасини фанда абадийлаштираувчи ҳайкал бўлади. Унинг сабр-қаноат ва меҳнат билан кечирган ҳаёти, камтарин ва камсуқум феъл-атвори ёшларга ибрат мактабидир. Ажойиб устоз ва ибратли нисон — Карим Шониёзовнинг хотираси ва хизматлари тарих фалида ва тарихчилар қалбида абадий сақланиб қолади.

«Ўзбекистон тарихи» журнали таҳририяти

МУНДАРИЖА

Ином Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига

Ш. Зиёдов. Мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг калом таълимоти	3
--	---

Еш тадқиқотчи минбари

Р. Абдукамилов. Авестийские тексты о государственности и праве: вопросы генезиса и эволюции структуры	9
Г. Солижонова. Урта асрларда Урта Осиё мадрасалари ўқув дастури ҳақида	24
Қ. Насриддинов. Мустамлака даврида Фарғона vodiysi ирригациясининг ҳолати	35
Т. Котюкова. Выборы во вторую Государственную Думу и деятельность туркестанских депутатов (1906—1907 гг.)	40
О. Лисицкая. Из истории католических общин в Туркестане начала XX века (конфессионально-общественная деятельность Иустина Пранайтиса)	44
Р. Турсунова. 1917 йил февралдан кейин Туркистон аҳолиси сиёсий фаоллигининг ўсиши ва шаҳарлардаги миллий демократик ташкилотларнинг фаоллиги	51
М. Раҳимов. ЮНЕСКОни ўзбек халқининг маданий ва тарихий меросини тиклашга қўшаётган ҳиссаси	59

Майба ва талқин

З. Жўраев. Ал-Мааварийнинг «Ал-аҳком ус-султония ва-л-вилоят-ид-диния» асарида давлатчилик таълимоти ва унинг илмий-тарихий аҳамияти	64
Исҳоқхон Ибрат. Фарғона вилоятидаги «Ахси» шаҳрининг қадимий тарихи	67

Этнология масалалари

Г. Зуннунова. Из истории узбекских традиций (знаковая роль предметов материальной культуры)	72
---	----

Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

Ш. Асадова. Семинар «Тарих фани ва ислом маънавий мероси» мавзунга бағишланди	79
---	----

Юбилей

Забардаст олим ва устоз	82
-------------------------	----

Таъзиянома

Карим Шониёзов	84
----------------	----

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

- Ш. Зиёдов — ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институтининг илмий ходими.
Р. Абдукомиллов — ЎзР ФА Тарих институтининг илмий ходими.
Г. Солижонова — ЎзР ФА Тарих институтининг докторанти.
Қ. Насриддинов — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университетининг докторанти.
Т. Котюкова — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университетининг аспиранти.
О. Лисицкая — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университетининг аспиранти.
Р. Турсунова — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университетининг аспиранти.
М. Раҳимов — ЎзР ФА Тарих институтининг аспиранти.
З. Жўраев — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий уни-
верситетининг тарих факультетининг магистранти.
Г. Зуннунова — ЎзР ФА Тарих институтининг катта илмий ходи-
ми, тарих фанлари номзоди.

Муҳаррирлар: М. Саидова, Ҳ. Раупова
Техник муҳаррир Л. Тюринга

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00208. Теришга берилди 25.10.2000. Босишга рухсат этилди 20.11.2000.
Қоғоз бичими 70×100/16. Адабий гарнитур. Юқори босма. Офсет қоғози. Шартли босма 7,09 т.
Ҳисоб наشريёт т. 6,0. 734 нусха. 61-буйртма.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, акад. Я. Ғуломов кўчаси, 70.
ЎзР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170. Тошкент, акад. Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 79.



40

Индекс 1027